

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

QARSHI MUHANDISLIK IQTISODIYOT INSTITUTI

"IQTISODIYOT" FAKULTETI

"BUXGALTERIYA HISOB VA AUDIT" KAFEDRASI

«HIMOIYAGA TAVSIYA ETILADI»

«BH va Audit» kafedrasi mudiri v.b.

dots. R.Omonov

«16» 06 2014 yil

«TASDIQLAYMAN»

«Iqtisodiyot» fakulteti dekani

I.f.d. A.F.Xurramov

«16» 06 2014 yil

G'aznachilik organlarida byudjetdan tashqari mablag'larni hisobga olishni
takomillash tirish yo'llari
(Viloyat g'aznachilik boshqarmasi misolida)
mavzusidagi

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

BAJARDI: «BH va Audit» ta'lim
yo'nalishi bitiruvchisi IV kurs B-466 guruh
malakasi Rustamov Jamshid
Narmuratovich

ILMIY RAHBAR:
«BH va A» kafedrasi assistenti
Xolmurodov O.

Bitiruv malakaviy ishi kafedrada dastlabki himoyadan o'tdi

16 sonli bayonnoma « 16 » 06 2014 y.

QARSHI – 2014 yil

«BH va AUDIT» KAFEDRASI

«18» 06 2014

№ 21

“Тасдиқлайман”
“БҲ ва А” кафедраси мудири
_____**доц.С.Эгамбердиева**
_____**“ ” 2014 йил**

**Мавзу: Ғазначилик органларида бюджетдан ташқари маблағларни
ҳисобга олишни такомиллаштириш йўллари
(Вилоят ғазначилик бошқармаси мисолида)**

Режа:

Кириш

**I-боб. Ғазначилик органларида бюджетдан ташқари маблағларни
ҳисобга олишнинг назарий асослари ва вазифалари.**

1.1. Ғазначилик тизими фаолиятининг мазмуни, аҳамияти ва назарий
асослари.

1.2. Ғазначилик органларида давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия
ҳисобини ташкил қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва вазифалари.

**II-боб. Қашқадарё вилояти ғазначилик бошқармасида бюджетдан
ташқари маблағларни ҳисобга олиш ва уни бажарилишини назорат
қилиш ҳамда уни таҳлили.**

2.1. Қашқадарё вилояти ғазначилик бошқармасида давлат бюджети даромади
ва пул маблағларини ҳисобини юритиш тартиби.

2.2. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолати
ва унинг таҳлили.

**III-боб. Ўзбекистон Республикаси ғазначилик тизимида бюджетдан
ташқари маблағларни ҳисобини такомиллаштириш йўллари.**

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар.

Илмий раҳбар:

асс.О.Холмурадов.

Б-466 гуруҳ талабаси:

Ж.Рустамов

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақил тараққиёт йўлини танлаб, демократик давлат қуриш йўлидан бораётган республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби, молия тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларидан эътиборан, молия, банк, солиқ тизимидаги бошланган ислохотлар давом этмоқда. Бугунги кунда бюджет-солиқ сиёсати борасида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида бюджет даромадлари ва харажатларининг мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал этиш тақозо этилаётган долзарб масаладир. Зеро, иқтисодиётнинг эркинлашуви ва ислохотларнинг чуқурлашуви жараёнида бюджет-солиқ тизимини ҳам мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этди.

Дарҳақиқат, республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Иқтисодиётни ўсиш суратларини таъминлаган ҳамда молиявий барқарорликка эришган ислохотлар ҳозирги даврда давлат молияси ва айниқса, бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим стратегик вазифа ҳисобланади”¹.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси дунё мамлакатлари тўплаган тажрибанинг ижобий томонларини ўзлаштириш асосида ўзининг миллий тараққиёт моделини жаҳон жамоатчилигига ҳавола этди. Шунинг учун ҳам давлат молиясини бошқариш борасида хорижий давлатларда, шунингдек МДХ давлатларида олиб борилган ишларни ўрганиш ва улар тўплаган ижобий тажрибаларни мамлакатимизда қўллаш, албатта, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг характерли томони шундаки, молиявий ресурсларнинг жумладан, давлатнинг молиявий ресурсларининг чекланганлигидир. Ваҳоланки, Давлат бюджети маблағлари республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш дастурларини молиялаштиришнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Давлат молиясини бошқариш доимо ривожланишда, янгиланишда бўлиб, янги ғоялар, қарашлар ва ёндашувларнинг пайдо бўлиши уни янада бойитмоқда. Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилишнинг янада чуқурлаштириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларда ривожланган давлатлар тажрибаси ва тараққиёт моделларидан нусха кўчирмаган ҳолда, янги механизмларнинг бугунги амалиётимизда ижобий самара берадиган томонларидан кенг ва унумли фойдаланиш жуда муҳимдир.

Ғазначилик — давлатнинг молиявий ресурсларини бошқаришнинг янги усулидир. Давлат бюджетининг барча даромадларини жамлаш ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.:Ўзбекистон, 1998.-86.б

таксимлашдаги янги тамойил ва механизмларни амалда қўллашдир. Қолаверса, бу бюджетнинг ҳар бир сўмини оқилона ишлатишни таъминловчи янгича механизмдир. Бир қатор хориж давлатларида ўз бюджети ижросини ғазначилик тизими орқали амалга оширади, Швеция, АҚШ, Исроил, Австралия, Германия, Буюк Британия, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатлар шулар жумласидандин.

Жаҳон ҳамжамиятига дадил кираётган Ўзбекистон ҳам Давлат бюджетини ғазна ижроси асосида амалга ошириш мақсадида 2006 йил 1 январдан эътиборан амалга киритиладиган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилди ва фикримизча, унинг киритилиши ўтиш даври иқтисодиётимизда тарихий аҳамият касб этиб, унинг муҳим бурилиш нукталаридан бири бўлади.

Маълумки, республикамиз иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида мустақил миллий молия-кредит тизими, бюджет ва солиқ сиёсатининг юритилиши, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос ижтимоий химояланган, босқичма-босқич йўли танланди. Натижада Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланишига оид туб иқтисодий ислохотларнинг ўтказилиши давлатнинг молия-бюджет ва солиқ сиёсати йўналишларини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бундай вазифаларни бажариш учун аввало ғазначилик соҳасида жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган ходимларни тайёрлаш ва уларни амалиётга жалб этиш, ғазначилик тўғрисидаги ахборотлар билан хабардор қилиш муҳим ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бюджетдан ташқари маблағларни ғазначиликда ҳисобга олиш назарий- методологик муаммолари билан асосан хорижлик иқтисодчи олимлар шуғулланган ва илмий тадқиқотлар олиб боришган. Улар жумласига Нидпз Б., Андерсон Х., Колдуэлл, Д.Д.Э.Катрин. Н.Г.Иванова, Т.М.Тереза, П.П.Паренте, А.И.Романенков, Т.П.Карпова, И.Г.Акпаров, О.Е.Николаева, С.А.Николаева, В.Ф. Палий, М.Л.Пятов, А.Д.Шеремет, Т.В. Шишков, А.И.Василев а кабиларни киритиш мумкин.Республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан яратилаётган дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар, шунингдек чоп этилаётган илмий мақола ва тезисларда ғазначиликда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий муаммолари қисман ўрганилган. Масалан, М.Остоноқулов. О.Бобожонов, А.К.Ибрагимов, А.Т.Иброхимов, А.А.Каримов, С.Махмудов, Б.А.Хасанов, М.К.Пардаев, А.Х.Пардаев, К.Б.Уразов, Г.А.Қосимоваларнинг асарларида ғазначиликда бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг назарий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш муаммолари ўрганилган.

Умуман олганда ғазначиликда бюджетдан ташқари маблағларни ҳисоби ва таҳлилининг методологик муаммолари етарли даражада тадқиқ қилинмаганлиги бу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигидан далолат беради.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари – тадқиқот мақсади бўлиб, ғазначиликда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг назарий ҳамда методологик асосларининг ҳолатини баҳолаш ва уларни

такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ва амалий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

- амалдаги қонунчиликни ва олимларнинг турли қарашларини таҳлил қилган ҳолда ғазначилик тизимида бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олишнинг тавсифланишини назарий ва услубий жиҳатдан асослаш;
- бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини ташкил этишга оид меъёрий ҳужжатларни янада мукаммаллаштириш юзасидан назарий ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш;
- бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини таснифлашининг аҳамиятидан келиб чиқиб, уларни амалга ошириш тартибини тадқиқ қилган ҳолда уни такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш;
- бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини аниқлиги ва ўз вақтида бартараф этилишини таъминлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби тамойилларини такомиллаштириш;
- бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобини ғазначилик бухгалтериясида ҳисобга олишни услубий асосларини такомиллаштиришга доир илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқот объекти Қашқадарё вилояти ғазначилик бошқармасида бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олиш ва уни бажарилишини назорат қилиш ҳисобланади.

Тадқиқот предмети иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ғазначиликда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг назарий, амалий ҳамда методологик асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Битирув малакавий ишнинг назарий-услубий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг ғазначилик органларининг фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудит услубиётига оид меъёрий ҳужжатлари, ғазначилик фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, хорижлик ва республикаميز иқтисодчи олимларнинг ғазначиликда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини тўғри юритилиши ва давлат бюджети касса ижросини такомиллаштириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлари ҳисобланади

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, илмий изланишда ғазначилик органларида бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олишни ривожлантириш муаммолари ва уни ечиш йўллари оптимал ёндашув асосида таҳлил этилган. Бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олишни такомиллаштириш борасида бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

- ғазначилик органларида бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олишни такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди;
- маблағларни тўлиқ, аниқ ва ўз вақтида ҳисобга олишни акс эттирилишини

таъминлашга доир тартиб ва тамойиллар ишлаб чикилди;

- бюджетдан ташқари маблағларни алоҳида ЯҒҲда акс эттириш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартиби такомиллаштирилди;

- ғазначилик органларида бюджет даромади ва пул маблағларини ҳисобини юритиш услубиятини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чикилди;

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти ғазначилик органларида бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олишни такомиллаштириш борасида назарий муаммоларнинг ечимини хал қилишда, фанларининг истиқболли йўналишларини ривожлантиришда методологик асос бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Бажарилган ишнинг хулосаларини қўллаш бўйича тавсиялар. Битирув малакавий ишида кўриб ўтилган кўпгина таклиф ва мулоҳазаларда, “Ғазначилик асослари”, “Ғазначилик органларида бухгалтерия ҳисоби” фанларидан маъруза матнларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг таркиби. Тадқиқот иши кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-боб. Ғазначилик органларида бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олишнинг назарий асослари ва вазифалари.

1.1. Ғазначилик тизими фаолиятининг мазмуни, аҳамияти ва назарий асослари.

Бозор муносабатлари ривожланиб бораётган бир пайтда, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларини бажариши учун марказлаштирилган молиявий маблағларга эга бўлиш зарурияти кучайиб боради. Илмий асосларга таянган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ижтимоий иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш мақсадида давлат ихтиёридаги молия ресурсларини марказлаштиришдан иборат бўлади. Давлат молиясини бошқариш – давлат ўз вазифаларини бажаришини таъминлаш, молия ресурсларини мобилизация қилишда маълум самарага эришиш, бир тизим асосида молия ресурсларини тақсимлаш ва ишлатиш ва ниҳоят иқтисодий барқарорлаштириш ва жамият ривожини учун шароит яратиш борасида давлат томонидан кўрилган тадбирларнинг йиғиндисидир.

Қадимги манбалар шуни кўрсатадики, жамият ҳаётида мустақкам ўрин тутган пул ҳисоб-китоби билан боғлиқ молиявий муносабатлар минг йиллар аввал пайдо бўлди. Молия бюджет соҳасида, солиқ бож соҳасида тўғри сиёсат юритилиши жамият тараққиётининг муҳим шартини ҳисобланади. Биз биламизки ҳар бир давлатнинг ривожланиши давлат молияси ва давлатнинг молиявий ресурслари ҳақида тезкор ва тўғри ахборот олиши ҳамда улардан оқилона фойдаланиш каби омилларига тўғридан тўғри боғлиқдир.

Халқаро Валюта Фонди экспертлари Барри Поттер ва Жек Даймонт шуни этироф этадиларки, ***“Иқтисодий ҳамкорлик ва таррақийёт ташкилоти таркибидаги кўпчилик мамлакатлар давлат молиясини бошқаришда ғазначилик тизимига суянишади ва бунда ғазначилик тизимининг Молия вазири томонидан бошқарилиши давлат маблағларини ишлатилиши самарадорлигини ва уларнинг ўз вақтида ва мақсадли ишлатилиши устидан назорат этиши сифатини ҳам сезиларли даражада оширади¹”***.

Ғазначилик тизими давлатнинг марказий ҳукумати ва ҳудудлардаги бошқарув органларининг асосий молиявий хизматларини таъминлайди. Бу хизматлар қаторида: давлат маблағлари тўловларини амалга ошириш, маблағлар ҳаракати ҳисоби ва ҳисоботини таъминлаши, фискал ҳисобот, ва хоказоларни марказлаштиради. Таррақий этган давлатлар молия вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари учун давлат молиясини шакллантириш, ижро қилиш ва назорати бўйича функционал боғлиқ тарзда компьютер тизимини тузади ва доимий равишда такомиллаштиради. Бу яхлит – интеграллашган тизим, шу билан бирга, ихтисослаштирилган компьютер дастурлари, бюджетнинг барча даражаларига, маҳаллий бюджетларга ишлов бериш учун,

давлат қарзини бошқарув вазифаларини оптималлаштиришда, бюджетдан ташқари фондларни шакллантириш ва бирлаштириш, маҳаллий молия органлари ва бошқа ташкилотларининг молиясини бошқариш функциялари учун алоҳида ихтисослашган дастурларни ўз ичига олади.

Илмий адабиётларда Ғазначилик тизимининг турли изоҳлари учрайди. Шунинг эътиборига олиш керакки бу изоҳлар ҳар бир муаллиф ғазначиликнинг, амалга ошираётган фаолиятининг ўзи қизиқаётган, хусусиятлари ва қирраларига урғу ва аҳамиятини қаратади. Қуйида шу изоҳлардан бирини келтирамиз: **“ғазначилик тизимида бюджетдан маблағ олувчилар топширигига кўра тўлов мажбуриятларини ижрога қабул қилиб олиш, ва товарлар етказиб берилиши, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун бевосита тўловларни амалга оширилишини ғазначилик амалга оширади ва, бунда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни таъминлайди²”**.

Яна бир изоҳга кўра Ғазначилик ижроси: **“давлат ҳокимиятининг, ёки маҳаллий бошқарув ихтисослашган ижроия органи тарафидан бюджет маблағларини жалб қилиш ва сарфланишини таъминлайдики, бунда, ушбу орган махсус ваколатларига кўра тушумлар рўйхати бўйича, ягона ҳисоб рақамидан амалга ошириладиган тўловлар ва зиммасидаги бюджет мажбуриятларининг вақти ва ҳажмини тартибга солади³”**.

Халқаро Валюта Фонди экспертлари Барри Потер ва Жек Даймондларнинг тарифларишча: **“Давлат молиясининг бошқариш ахборот тизими – давлат молиясини бошқариш мақсадида интеграллашган ахборот тизими – ёки ғазначилик тизими – бу тўловлар, ҳисобот ва молия бошқарувини амалга оширувчи тизимки унга молия вазирлиги, ғазначилик, тармоқ вазирликлари ва бюджет ташкилотлари бевосита боғланиш ҳуқуқига эгадирлар”**.

Келтирилган ғазначилик тизимининг фойдаланишлари бу ташкилотнинг бюджет ижроси моҳиятини, ва шунга боғлиқ кўпқиррали ва кўп мақсадлик Ғазначилик тизимини муаллифлар кўзлаётган мақсадларига кўра уларнинг нуқтаи назарини акс эттирган.

Бизнинг изланишларимиз ва қарашимизга мувофиқ таъриф қуйидагича тақдим этилади: **давлат бюджетини ижросининг ғазначилик тизими бу - давлат бюджетини ижросининг тўғри ва самарали бошқариш, ягона ғазна ҳисобига маблағларнинг тўғри ва вақтида келиб тушиши ва бюджетдан ташқари фондларга қийосланган ва қатъий мақсадларда харажатларни амалга оширилишни белгилашни, замонавий компьютер технологияларини илғор бухгалтерия тизими ҳисобини ва ҳужжатлар алмашивини ўз ичига олувчи ахборотлар тизимида ғазна бош китобида акс эттиришда, қўлловчи давлатнинг мақсадли мажмуасидир.**

¹ Barry Potter, Jack Diamond. Building Treasury Systems. 1999

² Иванова Н. Г., Маковник Т.Д., Казначейская система исполнения бюджетов. «Питер» Санкт-Петербург. 2001. стр.29

³ Рудовол И. П. Правовое регулирование казначейского исполнения бюджета. Финансы. № 8, 2003. стр. 25.

Юқорида келтирилган таърифларга, асосланиб шуни хулоса қилиш мумкин: бюджет ижросининг ғазна тизимининг тузилиши қуйдаги асосий таркибий қисмлардан иборат.

- Ғазначиликнинг институционал тизими яратилиши. Яни, Молия вазирлиги ғазначилик муассасининг жорий қилиниши, унинг ҳудудий бўлинмаларининг тузилиши (вилоятлар ва туманларда), жойларда ўз бўлинмалари орқали унга юклатилган вазифаларни белгилаш;

- Марказий банк муассасида “Ягона Ғазна Ҳисоби” очилиб, у ерда давлатнинг барча молиявий ресурслари жамланади, ва давлат тарафидан режалаштирилган ишларни амалга оширишда, тасдиқланган сметалар бўйича ундан тўловлар амалга оширилади ва шу ҳисоб орақали бюджет мажбуриятлари бажарилади.

- Бу мақсадлар бажарилиши учун меёрий-ҳуқуқий нормативлар ишлаб чиқилиши, жорий қилиниши ва шу меёрий-ҳуқуқий андозаларга мувофиқ ва уларнинг доирасида ғазначилик тизимининг фаолияти амалга оширилиши;

- Давлат бюджети маблағларининг ҳаракатланиши ҳисоб – китобини юритишнинг энг маъқул – оптимал вариантини ишлаб чиқиш ва бу мақсадда Ғазна бош китобини жирий қилиш;

- Давлат бюджети молиявий маблағларини оптимал режалаштириш ва бошқаришда маълумотларни қайта ишлаш учун илғор ахборот тизимини жорий қилиш.

Бюджетнинг даромадлар қисми ижроси жуда мураккаб жараён бўлиб катор босқичлардан ўтиб амалга оширилади. Тижорий соҳада фаолият юритувчи солиқ тўловчиларнинг банк ҳисобларидан тўланадиган, ҳамда жисмоний шахсларнинг нақд пул шаклда амалга ошириладиган тўловлари солиқ органларининг Марказий банк бўлинмалари ёки тижорат банк бўлинмаларидаги ҳисобрақамларида жамланади. Давлат солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари солиқ тушумлари ва барча йиғимлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича маълумотларни тўплаб Молия Вазирлигига тақдим этади. Яъни солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги маълумотлар, солиқ тўлаш даври бошланишидан оқ йиғилиб борсада, Молия Вазирлигига ушбу ҳисобот даври якунида келиб тушади. Бундан ташқари, Марказий банк томонидан тақдим этиладиган ўтказмалар тўғрисидаги маълумотлар Давлат Солиқ Қўмитаси маълумотлари билан ҳар доим ҳам мос тушавермайди. Бу ҳол жойлардаги ўтказмаларнинг тушиш вақтидаги фарқи бўйича солиштирилишининг турли хиллиги ҳисобига содир бўлади.

Бюджет ижросининг касса ижроси жараёнида бюджет маблағлари харажатлари уч босқичга бўлинади:

1-босқич. Тармоқ, вазирликлар ва идоралар ҳисобрақамига тушадиган бюджет маблағларининг ҳажмини тасдиқлаш.

2-босқич. Солиқ органлари орақали бюджетнинг даромад қисмини амалга ошириш ва тасдиқланган хажмларига биноан бюджет олувчиларнинг тижорат банкларидаги ҳисоб рақамларига етказиб бериш.

3-босқич. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг касса харажатларини амалга оширилиши. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг тижорат банкларидаги ҳисобрақимиға тушган маблағ Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги молия органларининг назорати доирасидан ташқарида амалга оширилади. Бу маблағларнинг назорати тижорат банкларининг ўзирга юклатилади. Тижорат банкларининг ҳисобрақамларидаги шу давр ичида ишлатилмаган бюджет ташкилотларининг қолдиқ маблағлари тижорат банкларининг ресурс маблағлари вазифасини бажаради ҳамда тўлов муддати келгунга қадар ўша банк томонидан тижорат мақсадида ишлатилиши мумкин. Бунда тижорат тавакалчилиги билан боғлиқ хатарлар уш бу маблағлар зиммасига тушиши табиий.

Юқорида келтирилган муаммоларни, яни бюджет маблағларининг давлат назоратидан четда қолиш ва уларнинг тижорий тавакалчиликга дучор бўлиш каби муаммоларни ҳал қилиниши, ғазначилик тизими жорий қилиниши билан бу тизим ҳар бир босқичда пул маблағини аниқ назорат қилиш, миқдор ва харажатларнинг вақтида амалга оширилиши жараёнига анча аниқлик киритиш имконини яратиши билан боғлиқ. Яни бу тизим куйдаги авзалликларни яратади:

- ягона ғазна ҳисобрақамиға пул маблағлари тушумининг ҳажми тушган захотиёқ бутун тизим қатнашчиларига аниқ ва равшан маълум бўлади;

- маблағларнинг тушуми, уларнинг функционал қирқими ва бюджет олувчилари доирасидаги бюджет таснифининг категорияларига мувофиқ аниқ миқдорларда яққол кўринади;

- бунда кўзланган мақсадларнинг молиялаш чегараланиши, яни қайсики бюджет маблағининг тақсимловчиси тушган маблағларга яраша харажат мажбуриятлари миқдорини аниқ оператив режалаштириши мумкин;

- имзоланган шартномалар рўйхатиға кўра харажатлар суммаси ва тўлов ижро этилиши муддати кўрсатилган ҳолат таъминланади;

- имзоланган келишувлар бўйича аванс шаклида, ва келишувлар давомида амалга оширилган тўловлар ҳажми марказлашган ҳолда тизим қатнашчилари тарафидан кузатиб борилиши таъминланади;

- ягона ғазначилик ҳисобварағида пул маблағи тушумининг мавжудлиги ва миқдори реал вақда яққол кўринади;

- тасдиқланган харажатлар сметаси бўйича жорий кунда тўланиши лозим бўлган, аванс тўловлар ва бошқа тузатишларни ҳисобга олган ҳолда суммалар ҳисоби яққоллашади;

- барча ҳисоблар амалга оширилгандан сўнг, охириги тўловдан кейинги қолдиқ маблағ миқдори кўринади;

- ягона ғазначилик ҳисоб рақаида ҳақиқатда ўтказилган бюджет маблағи суммаси бўйича ҳар қандай жорий санаға яққол ҳисобот тақдим этиш имкони ва давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича ҳар қандай жорий санаға барча маблағ ҳаракатлари софлиги ва шаффовлигини таминлаган ҳолда жорий аудиторлик текшируви ўтказишнинг кескин самарасини ошириш имкониятини беради.

Ўтказилган тақослашдан кўриниб турибдики, бюджетнинг банклар орқали ижроси шароитида бюджет маблағларининг бош тақсимловчиси - Молия Вазирлигининг бюджет маблағларининг тезкорлиги таъминлашда, давлат бюджетининг даромад қисмига тушадиган маблағларининг кузатилиши борасида ҳам, бюджет олувчи ташкилотларга тақсимлаб етказиш борасида ҳам чегараланган.

Бюджет ижросининг ғазна тизимида бош тақсимловчиси барча маблағлар Ягона Ҳисобга тушган вақтдан маблағ олувчига бу сумма тўлангунга қадар шаффофлигини таъминлаш имконини бу тизим кенгайтиради. Маблағларининг Ягона Ҳисобга тушишини тартибга солиб туради, улардан вақт тежаш бўйича фойдаланишнинг энг қулай вариантини танлайди ва бунинг ҳисобига давлат бютжети ижроси самарадорлигини кескин оширади.

Бюджет ижросини ғазначилик тизими орқали амалга ошириш қуйидаги натижаларга эришиш услубидир:

- бюджет маблағларини самарадорлигини ошириш , рационал сарфлаш, ўз вақтида ва мақсадли фойдаланишини таъминлашга эришиш;

- режалаштириш мақсадидаги башоратловчи ҳисоботларнинг имконларини кенгайтириш, маблағлар ҳаракати ҳисоби ва назоратини яхшилаш, маблағлар ҳаракати тезлигини ошириш, илғор технологиялардан фойдаланиш асосида ички қарзларнинг хизмат нархини пасайтириш ва қуллаб-қувватлашнинг ошириш, қўйилган маблағ тушумлари шаффовлиги ва режалаштирилган ҳаражатлар самарасини оширилиши;

- бюджет маблағлари тезлигини анчагина ошириш ягона ғазна ҳисобига тушумлар келиш вақтидан охиригача олувчига тўлангунга қадар вақтни қисқартириш ҳисобига маблағлар тежалиши ва самарасининг оширилиши;

- давлат маблағларини мақсадли сарфланиши ва рационаллиги бўйича назорат самарадорлигини оширилиши.

Методик ва ташкилий нуқтаи назардан бюджет ижросининг ғазначилик тизимининг фаолиятини тушуниш ҳамда ижросини амалга ошириш сезиларли даражада мураккаб жараён. Буни ўзлаштириш учун шуни назарда тутиш керакки, бюджетнинг ғазначилик ижросида турли малакага эга, давлат бошқарувининг, ва маҳаллий бошқарув тизимларининг турли поғоналарида ишлайдиган мутахассислар фаол қатнашадилар. Уларнинг бу борадаги иборалар, атамалар ва жараёнларнинг тушунчалари ўзларининг малакалари, ҳаётий тажрибалари ва ушбу жараённи амалга оширишдаги тутган ўринларига яраша турлича. Шунинг учун, давлат бюджетининг ғазначилик ижросига доир асосий тамоилларни, у билан боғлиқ жараёнларни ва ҳаракатларни шу тизим қатнашчилари ўзаро келишиб олинмагунга қадар, бу тушунча ва ибораларга турлича ёндашилади ва натижада тизим фаолиятининг самараси юқори бўла олмайди.

Шу нуқтаи назардан бу тизимга умумий ва тушунарли ягона тамоиллар жорий қилинмаса турли муаммоларни олиб килиши мумкин. Бу вазиятда бюджет ижроси ғазначилигининг қуйидаги принциплари келтирилади:

1. Бюджетнинг ғазначилик ижросига доир энг муҳим тамоил - даромадлар ва ҳаражатлар Ягона кассадан амалга оширилиши. Бунда бюджет

дефицитини ёпиш учун бюджет тушумлари ва бюджетнинг ҳамма даромадлари Ғазначиликнинг ягона ҳисобида ва ёки унинг қўшимча ҳисобида ва ҳамма харажатлари ҳам Ғазначиликнинг Ягона ҳисобидан ва қўшимча ҳисобидан амалга оширилади. Бундан фақат Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги валюта харажатлари истисно.

Шунингдек ягона касса тамоили давлат бюджет тизимида кирувчи барча даражадаги бюджетларнинг, бюджетнинг узоқ муддатли программалари қатнашчиларининг, бюджет ташкилотларининг давлат бюджетидан тушмаган ўзга маблағларининг барчаси Ягона Ғазначилик ҳисобидан ёки унга қўшимча ҳисобидан амалга оширилади.

2. Иккинчи муҳим тамоил - Давлат бюджети ижросининг ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисобини умумий (ягона) таснифга асосланган тизимини яратилиши. Бу тамоил Давлат Бюджети Ғазначилик ижроси тизимини ўзида мужассамлаштирган ҳисоботлар ва шу жараёнга тегишли ҳамма стандартларни жорий қилинишини билдиради. Бунга давлат бюджети ижроси бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар, давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлари, узоқ муддатли дастурлари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жалб қилинган маблағлари киради. Бу борада ташкилотларнинг ягона бухгалтерия ҳисоби стандартлари ва ҳисоботлари фақатгина Ғазначиликда эмас балки бюджет ташкилотларида ҳам ягона бюджет таснифи, бухгалтерия ҳисоби план счётлари ва бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари билан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Бу тамоил ғазначилик органлари ва бюджет органларидан ташқари, ягона таснифга асосланган ҳисоб ва бухгалтерия ҳисоби тизими солиқ ва божхона органларидан тушадиган давлат бюджети даромадлари ва бюджетдан ташқари фондлари даромадларига тушадиган маблағларга, ва даромадларни махсус йиғувчиларга ва давлатнинг мақсадли фондларини тақсимловчиларга қўлланилади.

3. Бюджет ижросининг банклар орақали амалга оширилувчи касса тизимидан фарқли ўлароқ, Ғазначилик тизимида бюджет ижросининг тушумларнинг ягона ҳисобига келиб тушишидан то охирги пул маблағларни олувчига етиб боргунга қадар назорат қилинишини таъминланади.

1.2. Ғазначилик органларида давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва вазифалари.

Ғазначилик тизимида ўтишгача бўлган даврда бюджет ижроси жараёни икки босқични ўз ичига олади. Бюджет тушумларини тақсимлаш ва бюджет маблағларини давлат бюджети маблағларини олувчилар ҳисоб рақамларига ўтказиш. Давлат бюджети маблағларининг кейинги тақдири бутунлай фойдаланувчиларнинг ихтиёрига боғлиқ. Давлат бюджети маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланилишини эса бухгалтерия ҳисоботи орқали текшириш мумкин, аммо ушбу ҳисоботни ўзи кейинги қабул қилинган халқаро стандартларга мослаштирилиши лозим.

2006 йил бошига бюджет ташкилотларининг банклардаги ҳисоб, рақами 110 мингдан ошиб кетганлигини ҳисобга олганда уларнинг 70 % и тижорат банкларида очилган. Бу эса пул маблағлари мониторингини ўтказишнинг имкони йўқлиги яққол кўринадди. Ҳисоб рақамларининг сони кўп бўлиб, улар турли банклар бўйича тарқалиб кетганда, давлат бюджети маблағларини самарали бошқариш ва назорат қилишнинг имкони йўқ. Ғазначилик тизимини жорий қилмасдан давлат бюджети маблағларини мониторингини ўтказиш ва самарали бошқаришни таъминлашнинг имкони, механизмлари ва асослари ҳам йўқ.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни либераллаштириш шароитида 2004 йил 20 - августда 664 - II сонли Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғриси”да қонун қабул қилинди.

Мазкур Қонунга асосан давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тизимида ўтиш Ўзбекистон Республикасида устувор вазифаси ҳисобланади. Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий тамойиллари кассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналигидан иборат. Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан иборатдир. Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат.(1.2.1-чизмаси)

1.2.1-чизмаси

ЯГОНА ҒАЗНА ҲИСОБВАРАҒИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ

ДАРОМАДЛАР	ХАРАЖАТЛАР
• тартибга солувчи умумдават солиқлари; • маҳаллий бюджет даромадлари; • жисмоний шахсларнинг бюджетга тўловлари; • божхона тўловлари; • махсус йиғувчилар маблағлари; • давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар; • бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари тушумлари; • муддатли депозитлар қайтарилган суммалар, шу жумладан фоизлар; • давлат қисқа муддатли облигацияларини ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган тушумлар; • давлат бюджетининг валюта тушумлари ва бошқалар.	• давлат бюджетининг режалаштирилган харажатлари; • банк кредитлари учун фоиз тўловлари; • нотўғри ёки ортиқча тўланган солиқларни қайтариш; • бюджет ташкилотлари томонидан олинган нақд пул маблағларини қоплаш учун маблағлар; • муддатли омонат жамғармаларига бюджет маблағларини қўйиш; • қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган махсус ваколатли молия органи (ғазначилик) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

“Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Ғазначиликнинг асосий вазифалри қўйидагилардан иборат:

- Давлат бюджетининг касса ижроси;
- Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;

- Давлат бюджети маблағларини бошқариш;
- Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;
- Бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш учун тузадиган шартномаларини, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;
- Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш. Ғазначилик ўз зиммасига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда Ғазначиликка кўмаклашишлари шарт.

Ғазначилик билан давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг ғазна ижроси соҳасидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Ғазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослилиги учун жавобгар бўладилар.

Ягона ғазна ҳисобварағи Ғазначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобвараққа Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобварағидан Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ягона ғазна ҳисобварағи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Ғазначилик томонидан очилади. Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва ўзга банкларда бошқа банк ҳисобварақлари очиш ҳуқуқига эга. Ғазначиликнинг банк ҳисобварақларидан маблағларнинг сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар тегишича Республика бюджет, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади.

Давлат бюджетига чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек бюджет ташкилотларининг чет эл валютасида тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, Ғазначиликнинг банкдаги валюта ҳисобварақларига киритилади.

Ғазначилик юридик ва жисмоний шахсларга улар томонидан ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона ғазна ҳисобварағидан ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан қайтарилишини амалга оширади.

Давлат бюджетининг харажатлари ягона ғазна ҳисобварағи ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва тегишинча Республика бюджет, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

Маблағларни суднинг қарорига биноан ўтказиш, дотациялар ва ссудаларни ўтказиш ягона ғазна ҳисобварағидан ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан Давлат бюджетига маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларига Ғазначилик томонидан ўтказилади.

Ғазначилик ягона ғазна ҳисобварағидаги ва Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидаги Давлат бюджет маблағларини уларни Давлат бюджетининг харажатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек Давлат бюджет бўш маблағларини банк

депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан Республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш йўли билан бошқариб боради.

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби Ғазначилик томонидан, шунингдек давлат солиқ ва божхона хизмати органлари, бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси ва бюджет таснифи асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади.

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ғазначилик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ғазначилик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Молия Вазирлигига, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар молия органларига тақдим этилади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига келиб тушган даромадларни ва уларнинг харажатини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига ва унга илова қилинган «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартиби» (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли, 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли ва 28 декабр 2004 йил 28 декабрдаги. 610-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 июлдаги 148-сонли қарори билан киритилган ўзгартиришлар билан) мувофиқ олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 23 июлдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат бюджетининг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби бўйича қоидалар» билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари (матнда

«ғазначилик органлари» деб юритилади) томонидан республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг (матнда «республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар» сўзлари ўрнига «давлат бюджети» ёки «бюджетлар» сўзи ишлатилади) ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини, республика ва ҳудудий ғазна ҳисобварақларидан (матнда «республика ва ҳудудий ғазна ҳисобварақлари» сўзи ўрнига «ғазна ҳисобварақлари» сўзи ишлатилади) фойдаланган ҳолатларда, юритиш тартиби белгиланган.

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ғазначилик органлари томонидан Давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича дастурий мажмуа қўлланган ҳолда амалга оширилади. Амалга оширилган операциялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган тартибда, ҳар ой электрон шаклда архивланади ва ташқи электрон ахборот ташувчиларда сақланади.

Тегишли бюджетлар ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими ва тегишли бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи сектори (гуруҳи), ҳудудий ғазначилик органларининг молиявий ресурсларни тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича мутахассислари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими» республика бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи секторлари (гуруҳлари) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини олиб боради.

Ҳудудий ғазначилик органларининг молиявий ресурсларни тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимлари ходимлари туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини олиб боради.

Ғазначилик органларига давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритишда юклатилган вазифа ва мажбуриятларни амалга оширишда Молия вазирлигининг тармоқлар бошқармалари ва ҳудудий молия органлари тегишли ғазначилик органларига бюджетлар ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишда зарур бўладиган барча ҳужжатларни, шу жумладан:

- бюджетларни даромадлари ва харажатларининг (вақтинчалик даромадлар ва харажатлар ёйилмаси) ойлар бўйича тақсимланган йиллик ёйилмасини (унга киритилаётган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда);

- бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаларининг молия органлари мансабдор шахсларининг имзолари ва муҳр излари билан тасдиқланган нусхаларини (биринчи чорак вақтинчалик харажатлар сметалари) иловалари билан, уларга киритилган ўзгаришлар;

- бюджет ссудалари ажратилиши тўғрисидаги шартномалар нусхаларини;

- бюджетлар ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритишда зарур бўлган бошқа ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда ўз вақтида тақдим қилишлари зарур.

Молия органларнинг тегишли бўлинмалари бошлиқлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидагилар учун жавобгардирлар:

тегишли бюджетларнинг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш учун «Давлат бюджетининг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби бўйича қоидалар»да кўрсатилган тегишли ҳужжатларни ғазначилик органларига ўз вақтида етказиб берилмаганлиги, шунингдек бюджетлар ижроси жараёнида ҳосил бўладиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ғазначилик органларига ўз вақтида етказилиши;

ғазначилик органлари билан келишилмаган бюджет маблағлари олувчиларнинг тегишли харажатлар гуруҳи ва моддалари бўйича режалаштирилган бюджет маблағлари суммаларидан касса харажатларининг ошишига олиб келадиган бюджет маблағларига ўзгартиришлар киритилиши.

Ғазначилик органлари бошлиқлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли бюджетларнинг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобини юритишни ташкил қилиш, ғазна ижроси бўйича маълумотларни ва ҳисоботларни белгиланган муддатларда тегишли молия органларига ўз вақтида тақдим этишлари учун жавобгардирлар.

Тегишли ғазначилик органларининг бухгалтерия ҳисоби бўйича ходимлари қонунчиликка мувофиқ тегишли бюджетларнинг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоботини «Давлат бюджетининг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби бўйича қоидалар» талабларига мувофиқ равишда тўғри ва ўз вақтида юритилиши учун жавобгардирлар.

Бюджетларнинг ғазна ижросига доир операцияларни бухгалтерия ҳисобини юритиш учун операциялар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва уларни амалга оширилишига доир фармойишлар каби бошланғич ҳисоб ҳужжатлари асос бўлади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича операциялар амалга оширилган пайтда ёки улар амалга оширилгандан сўнг тузилади.

Бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича ҳисобот даврига тегишли операцияларни амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, улар бухгалтерия ҳисобида тегишли бошланғич ҳисоб ҳужжатларини расмийлаштириш йўли билан қайд қилинади.

Бунда, ўтган йилга доир бюджетнинг ғазна ижроси амалга ошириладиган молия йилига қўшимча даврда бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича амалга оширилган операцияларнинг ҳисоби, белгиланган тартибда акс эттирилган, қўшимча давр мобайнида тузилган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари асосида, ўтган йилнинг бюджетларини ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобида қайд қилинади.

Бюджетларнинг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш учун ғазначилик органларининг бошланғич ҳисоб ҳужжатларига ва ҳисобга олиш регистрларига имзо қўйиш ҳукуқига эга ходимлари томонидан имзоланган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари расмийлаштирилади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларида юқорида кўрсатилган шахсларнинг имзолари бўлмаса, улар ҳақиқий деб ҳисобланмайди. Зарур реквизитлар билан тўлдирилмаган ҳужжатларга имзо чекиш ман этилади.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича ходимларга бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича операцияларни бухгалтерия ёзуви учун белгиланган тартибда расмийлаштирилганлар қуйидаги бошланғич ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилади:

Ғазначилик органларининг ғазна ҳисобварақларидан, ушбу ҳисобварақлардан пул маблағларининг ҳаракатини (ўтказилишини ва қабул қилганлигини) тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи банкларнинг тегишли белгилари қўйилган тўлов топшириқномалари ва бошқа тўлов ҳужжатлари (электрон ёки қоғоз ҳолатидаги) илова қилинган банк кўчирмалари;

Ғазначилик органлари махсус ҳисобварақларидан бюджет маблағлари ҳисобига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш, шунингдек бюджет маблағлари олувчиларнинг маълум мақсадлар учун бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нақд пул маблағлари тўлови бўйича шу ҳисобварақлардан пул маблағларининг ҳаракатини (ўтказилишини ва қабул қилганлигини) тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи банкларнинг тегишли белгилари қўйилган тўлов топшириқномалари ва бошқа тўлов ҳужжатлари (электрон ёки қоғоз кўринишида) илова қилинган банк кўчирмалари;

Бюджетнинг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобини юритишда ишлатиладиган бошқа ҳужжатлар.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича ходимларга бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича операцияларни бухгалтерия ёзуви учун белгиланган тартибда расмийлаштирилганлар қуйидаги ҳисоб ҳужжатлари асос бўлиб хизмат қилади:

Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича билдиришнома (11-шакл);

Бюджетнинг ғазна ҳисобварағига келиб тушган даромадлар тўғрисида маълумотнома (3-шакл);

Мемориал ордер (274-шакл);

Бюджетларнинг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоботини юритишда ишлатиладиган бошқа ҳисоб ҳужжатлари.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ва имзолаган шахслар, ушбу ҳужжатларни ўз ичига олган маълумотларнинг ўз вақтида тузилиши, тўғрилиги ва ҳаққонийлиги, шунингдек уларни бухгалтерия ҳисоботида акс эттирилиши учун белгиланган муддатларда етказилиши учун жавобгардирлар.

Бошланғич ва ҳисоб ҳужжатларига, операцияларни амалга оширилишида қатнашганлар томонидан тасдиқланмаган ўзгартириш

киритишга йўл қўйилмайди. Банк ва касса ҳужжатларини ўзгартириш ва бўйашга йўл қўйилмайди.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича ходимларга келиб тушган бошланғич ва ҳисоб ҳужжатлари электрон кўринишда ҳисоб учун қабул қилинади ва умумий мемориал ордер (274-шакл) билан бир кунлик барча операциялар расмийлаштирилади. Мемориал ордерлар операцияларнинг амалга оширилишига қараб, лекин бошланғич ва ҳисоб ҳужжатлари олинган куннинг кейинги кунидан кечикмасдан тузилади ва бухгалтерия ҳисоби бўйича ваколатли ходимлар томонидан имзоланади.

Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ 2012 йил 5 октябр 74-сонли буйруғига асосан Бюджет ташкилотларининг молия йилида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағлари кейинги молия йилига ўтади ҳамда улардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади. Ўтган молия йилида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағлар кейинги молия йилида қайта тақсимланмай ўша мақсадларда фойдаланилади.

II-боб. Қашқадарё вилояти ғазначилик бошқармасида бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олиш ва уни бажарилишини назорат қилиш ҳамда уни таҳлили.

2.1. Қашқадарё вилояти ғазначилик бошқармасида давлат бюджети даромади ва пул маблағларини ҳисобини юритиш тартиби.

Давлат бюджети қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) республика бюджети;
- 2) Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети ва маҳаллий бюджетлар.

Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли фондлари ҳам жамланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда республикага (Қорақалпоғистон) бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Вилоятнинг бюджети вилоят бюджетини, вилоят таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Туманларга бўлинадиган шаҳар бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади.

Туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджети ва туман таркибига кирувчи шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ўз ичига республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни олади. Бундан ташқари Давлат бюджети таркибида Республика йўл фонди, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг махсус ҳисобварағи, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди, мактаб таълим фонди ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари жамланади.

Ғазна ҳисобварақларига келиб тушаётган бюджетларнинг даромадлари ҳисоби ҳар бир даромад тури бўйича тегишли бухгалтерия ҳисоби регистрларида юритилади. Ғазна ҳисобварақларига келиб тушаётган бюджетларнинг даромадлари ҳисоби бюджет таснифининг боб ва параграфлари бўйича юритилади.

Давлат бюджети ғазна ҳисобварағидан кўчирмани банк муассасаси ғазначилик органига ҳар куни жўнатади.

Ғазначилик органи банкнинг давлат бюджети ғазна ҳисобварағидан олган кўчирмаларнинг тўғрилигини унинг маълумотларини унга илова қилинган ҳужжатлар маълумотлари билан солиштириш йўли орқали текширади. Сўнг, даромад турлари бўйича ҳужжатларни гуруҳлаб, давлат бюджети ғазна ҳисобварағига тушган даромадлар тўғрисида маълумотномани тузади. Маълумотнома ҳар куни тузилади. Даромадлар унга бюджет таснифининг ҳар бир бўлинмаси бўйича умумий суммаларда ёзилади. Маълумотнома асосида мемориал ордер тузилади ва синтетик ҳисоб счётлари бўйича «Бош-журнал»

китобига ва аналитик ҳисобнинг счётлари бўйича «Бюджет маблағлари бўйича даромадлар ва тушумлар ҳисоби» китобига (5-к–шакл) ёзилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунга мувофиқ давлат бюджети даромадлари: (1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар; (2) давлатнинг молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар; (3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; (4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; (5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар ҳамда (6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги солиқ ва тўловлар амал қилади:

- 1) умумдавлат солиқлари;
- 2) маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Умумдавлат солиқлари тегишли бюджетлар ўртасида ҳар йили бюджет тўғрисидаги қонунда белгиланадиган меъёр бўйича тақсимланади.

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунга мувофиқ республика бюджети даромадлари: (1) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ва нормативлар асосидаги умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар; (2) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар; (3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; (4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; (5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар ҳамда (6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари: (1) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар; (2) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар; (3) қонун ҳужжатларида белгиланган

нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар; (4) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; (5) юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари; (6) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари ҳамда (7) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

Давлат бюджетига келиб тушган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан қабул қилинади ва белгиланган тартибда 23402 «Республика бюджетига маблағлари» ҳисобварағига қирим қилинади.

Давлат бюджетининг 23402 «Республика бюджетига маблағлари» ҳисобварағига келиб тушган солиқ ва бошқа тўловлар ҳисобидан белгиланган тартибда ва миқдорда тегишли банкларда очилган маҳаллий бюджетларнинг ғазна ҳисобварақларига ажратма қилинади.

Мактабгача болалар ташкилотларида болаларининг овқатланганлиги учун ота-оналарнинг бадаллари ва бюджет маблағлари олувчилар ходимларининг ижтимоий тўловларини қоплаш учун келиб тушган маблағлар ғазна ҳисобварақларига қирим қилинади.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг ўтган йилларда пайдо бўлган кредитор қарзларнинг жорий молия йилида келиб тушган суммаси ҳамда муайян жорий молия йилида пайдо бўлган дебитор қарзларнинг суммаси ғазна ҳисобварақларига қирим қилинади.

Тегисли ғазначилик органларининг ғазна ҳисобварақлари бўйича ҳар куни бериладиган банк муассасасининг кўчирмаларига илова қилинган тўлов ҳужжатлари, мазкур бюджет даромадларининг бухгалтерия ҳисоби учун асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Ғазна ҳисобварақларига келиб тушаётган бюджетларнинг даромадлари ҳисоби ҳар бир даромад тури бўйича тегишли бухгалтерия ҳисоби регистрларида юритилади. Ғазна ҳисобварақларига келиб тушаётган бюджетларнинг даромадлари ҳисоби бюджет таснифининг боб ва параграфлари бўйича юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг уларнинг бажарилганлиги ҳақидаги белгиси бўлган тўлов ҳужжатларининг нусхалари, маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган умумдавлат солиқлари ва даромадларидан маҳаллий бюджетлар ажратмалар ведомости маҳаллий бюджет ҳисобварағидан кўчирмалар билан бирга ҳамда тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларининг ҳисоботлари, белгиланган тартибда расмийлаштирилган шакллар ва бошқалар бюджет даромадларини бухгалтерия ҳисобида қайд қилиш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларидан кўчирма олингандан сўнг ғазначилик органи кўчирмага илова қилинган ҳужжатларни синчиклаб текшириб чиқиши керак. Мазкур бюджет бўйича тушган суммаларни

ўтказилиши тўғрилигини аниқлаш ва тушган сумманинг бюджет таснифининг қайси бўлинмасига киритилишини аниқлаши лозим. Кунлик текширилган ҳужжатлар даромадлар турлари бўйича гуруҳланади ва бюджет таснифининг ҳар бир бўлинмаси бўйича умумий суммалари аввал бир кунда «Ғазна ҳисобварағига келиб тушган даромадлар тўғрисида маълумотнома»га (3-шакл), сўнгра «Бюджет маблағлари бўйича даромадлар ва тушумлар ҳисоби китоби»га (5-к—шакл) қайд қилинади.

Мазкур бюджет даромадларига тушган суммаларга тааллуқлигига етарли асослар бўлмаганда ёки тушган сумма даромадлар таснифининг қайси бўлинмасига ўтказилишини аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу суммалар «Аниқланмаган тушумлар» субсчётига ёзилади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига ва маҳаллий бюджетларга тушувчи даромадлар, қуйидаги иккинчи тартибли счётлари (субсчётлари) бўлган, 04 пассив биринчи тартибли счётда ҳисобга олинади:

040 - «Бюджетлар даромадлари» субсчёти;

041 - «Аниқланмаган тушумлар» субсчёти;

043 – «Юқори бюджетнинг прогноз кўрсаткичларини ошириб бажарилишидан маҳаллий бюджетларга келиб тушган даромадлар» субсчёти;

044 - «Республика ғазна ҳисобварағига республика бюджетига ҳисобварақларидан маблағлар тушуми» субсчёти

047 - «Бюджетга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар тушуми» субсчёти;

048 - «Ижтимоий нафақалар тўлови учун бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағларининг тушуми» субсчёти;

049 - «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари тушуми» субсчёти.

040 - «Бюджетлар даромадлари» субсчёти ҳисобот йили якуни бўйича ғазна ҳисобварақларига бюджет ижроси натижалари даромадларига тушумлар, берилган ва олинган даромадлар (дотациялар, субвенциялар) суммалари, кўчирмалар, қайтариш ва ўтказишлар билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобини олиб бориш учун тайинланган.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича ходимлар кўчирмалар ва уларга илова қилинган ҳужжатларни олгандан сўнг ҳужжатларни синчиклаб текшириб, тегишли бюджет бўйича тушган суммаларни тўғри қабул қилинганлигини аниқлаши ва ушбу тушумлар олиб борилиши лозим бўлган даромадлар таснифи кодини аниқлаши керак. Текширилган ҳужжатлар кунлик равишда даромадлар тури бўйича дастурий мажмуага бюджет таснифининг ҳар бир коди бўйича киритилади.

Бюджетлар даромадларининг бухгалтерия ҳисобига доир айрим операцияларга ғазначилик органларида тузиладиган бухгалтерия проводкалари:

(1) Мазкур бюджетга келиб тушган солиқлар, йиғимлар ва бошқа даромадлар суммасига ғазначилик органларида қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 010 - «Республика бюджети маблағлари» субсчёти ёки

Дебет 011 - «Маҳаллий бюджет маблағлари» субсчёти;

Кредит 040 - «Бюджетлар даромадлари» субсчёти.

(2) Мазкур бюджетга бир тур даромадлар бўйича ортиқча келиб тушган даромад суммаси бошқа тур даромадлар бўйича тўланмай қолган қарзни қоплашга ўтказилган бу ўтказилган суммага ғазначилик органларида қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 040 - «Бюджетлар даромадлари» субсчёти;

Кредит 040 - «Бюджетлар даромадлари» субсчёти.

(3) Мазкур бюджетга келиб тушган аниқланмаган тушумлар муайян бюджетнинг даромадига ўтказилганда бу ўтказилган суммага ғазначилик органларида қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 041 - «Аниқланмаган тушумлар» субсчёти;

Кредит 040 - «Бюджетлар даромадлари» субсчёти.

(4) Мазкур бюджетга ортиқча ёки нотўғри келиб тушган маблағлар тегишли юридик ёки жисмоний шахслар қайтарилганда бу қайтарилган суммага ғазначилик органларида қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 040 - «Бюджетлар даромадлари» субсчёти;

Кредит 010 - «Республика бюджети маблағлари» субсчёти ёки

Кредит 011 - «Маҳаллий бюджет маблағлари» субсчёти.

(5) Ҳисобот даврида мазкур бюджетга келиб тушган даромадлар суммаси «Бюджетлар ижроси натижалари» субсчётига ўтказилганда бу ўтказилган даромадлар суммасига ғазначилик органларида қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 040 - «Бюджетлар даромадлари» субсчёти;

Кредит 090 – «Бюджетлар ижроси натижалари» субсчёти.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари тушумларининг бухгалтерия ҳисобига доир операцияларга ғазначилик органларида тузиладиган бухгалтерия проводкалари эса қуйидагича:

Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа келиб тушган маблағлар суммасига ғазначилик органларида қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 019 – «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари» субсчёти;

Кредит 049 - «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари тушуми» субсчёти.

(2) Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа келиб тушган маблағлар қайтарилганда бу қайтарилган маблағлар суммасига ғазначилик органларида қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 049 - «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари тушуми» субсчёти;

Кредит 019 – «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари» субсчёти.

(3) Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа келиб тушган маблағлар «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари тушуми ва ишлатилиши натижаси» субсчётига ўтказилганда бу ўтказилган суммага ғазначилик органларида қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 049 - «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари тушуми» субсчёти;

Кредит 099 – «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари тушуми ва ишлатилиши натижаси» субсчёти.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари бўйича бухгалтерия ўтказмалари қуйидагича бўлади:(2.1.1-чизмаси)

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари бўйича бухгалтерия ўтказмалари

2.1.1-чизмаси

019 - «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари» субсчёти бўйича операцияларга тузилдиган бухгалтерия проводкалари			
1.	Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари касса харажатларини тиклаш (мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловлари (мусиқа мактабларида болаларнинг таълим олиши учун) ва келгусида бюджет ташкилотлари томонидан ишлатилиши кўзда тутилган тарбияловчилар томонидан овқатланиш учун тўловлар суммалар) (кейинги ўринларда – Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари)	019	029
2.	Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағларини, нақд пул олиш учун махсус ҳисобварақлардан ҳудудий ғазна ҳисобварақларига қайтариш	019	039
3.	Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағларини ҳудудий ғазна ҳисобварақларига тушуми	019	049
4.	Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан касса харажатларини амалга ошириш	029	019
5.	Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағларини нақд пул олиш учун махсус ҳисобварағига ўтказиш	039	019

6.	Бюджет маблағлари олувчиларнинг бошқа бюджетдан ташқари маблағларини қайтариш	049	019
----	---	-----	-----

Бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби регистрлари иккиёқлама ёзув қоидаларига мувофиқ журналлар, китоблар ва тасдиқланган бланклар (шакллар) тарзида бўлади.

Бюджетларнинг ғазна ижроси бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби қуйидаги ҳисоб регистрларида юритилади:

а) «Бош-журнал» китоби (1-к–шакл);

б) Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича касса харажатлари ҳисоби китоби (3-кбс-шакл);

в) Бюджет маблағлари олувчиларга бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағларининг тушуми ва сарфланиши ҳисоби китоби (3-квпф-шакл);

г) Бюджет маблағлари олувчиларга бошқа бюджетдан ташқари маблағларининг тушуми ва сарфланиши ҳисоби китоби (3-квбс-шакл);

д) Бюджет ссудалари бўйича бюджетлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳисоби китоби (4-бс–шакл);

е) Бошқа бюджетлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби китоби (4-к–шакл);

ж) Бюджет маблағлари бўйича даромадлар ва тушумлар ҳисоби китоби (5-к–шакл).

Юқорида келтирилган бюджетлар ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби регистрлари электрон шаклда юритилади.

Амалга оширилган касса харажатлари тўғрисидаги маълумот Давлат бюджети ғазна ижросининг дастурий мажмуада кунлик асосида ва ҳисобот оий, чораги ва йилининг ўсиб боровчи якуни билан банк кўчирмаларидан олинган ва тегишли ғазна ҳисобварақларига (операция амалга оширилган куннинг эртанги банк кунидан кечиктирмасдан) келиб тушган ва ўтказиб берилган маблағлар бўйича тўлов ҳужжатлари маълумотлари асосида акс эттирилади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси дастурий мажмуада операциялар ёзуви «Бош-журнал» китоби (1-к–шакл) ва бошқа бухгалтерия ҳисоби регистрларида автоматик тарзда шаклланади.

«Бош-журнал» китоби (1-к–шакл) асосида ҳар бир бюджет бўйича бюджетнинг ғазна ижроси баланси алоҳида шаклланади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларида ўтган йил учун синтетик счётлардаги мавжуд бўлган қолдиқлар кейинги йилда бюджетлар ижроси ҳисоби учун очилган тегишли бухгалтерия ҳисоби регистрларига кўчирилади ва ҳисобга олинади.

Бухгалтерия регистрларининг сақланиши ва архивга берилишини ғазначилик органи раҳбари таъминлайди. Бухгалтерия регистрлари, улар архивга топширилгунга қадар, махсус хоналарда ёки ёпиладиган шкафларда ғазначилик органи раҳбари томонидан тайинланган шахснинг жавобгарлигида сақланиши керак. Жорий ҳисобот йилининг бухгалтерия регистрлари ўтган йилларга тегишли бухгалтерия регистрларидан алоҳида сақланиши керак. Ғазначилик органининг архивида бухгалтерия регистрлари белгиланган

муддат давомида сақланади. Бухгалтерия регистрларининг ғазначилик органи архивида сақлаш муддати тугагандан сўнг белгиланган тартибда тегишли давлат архивига топширилади. Бухгалтерия регистрларининг архивга топширилганлигига далил бўладиган ҳужжатлар ғазначилик органида доимий сақланади.

У ёки бу сабабларга мувофиқ бухгалтерия регистрлари йўқолса ёки ўғирланса, у ҳолда ғазначилик органи раҳбари бу ҳолатни тегишли далолатнома билан расмийлаштириши ва ёзма тарзда ғазначилик органи жойлашган ҳудуддаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ва юқори ғазначилик органига хабар бериши керак.

«Бош журнал» китоби (1-к-шакл) бюджетнинг ғазна ижросини бухгалтерия субсчётлари бўйича ёзувларни хронологик тартибда ва мунтазам равишда бирлаштиради.

«Бош журнал» китобини (1-к-шакл) очишда янги йилда биринчи сатрда юқори молия органи томонидан қабул қилинган ўтган йил учун якуний балансга мувофиқ ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар суммалари ёзилади. Баланс активи суммалари ушбу китобнинг тегишли субсчётлари дебетиға, пассив суммалари кредитиға ёзилади.

Айрим субсчётлар бўйича йил бошиға қолдиқлар аналитик ҳисоб регистрларидаги йил бошиға ёзувлар билан мувофиқ бўлиши керак.

Операциялар ёзуви мемориал ордер ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида ҳар бир банк куни учун кунлик тарзда амалға оширилади.

Тегисли аналитик ҳисоб регистрларида операциялар тузилгандан сўнг, «Бош журнал» китобиға (1-к-шакл) ёзувлар шакллантирилади.

«Бош журнал» китобида (1-к-шакл) айланмаларнинг ойлик жами ҳисобланади ва ой бошиға барча ҳисобварақлар бўйича дебет ёки кредит қолдиқлари чиқарилади. Бунда, ойлик айланмалар суммаси, шунингдек ой бошиға барча субсчётлар бўйича дебет ёки кредит қолдиқлар суммалари мос равишда айланма ёки барча субсчётлар бўйича қолдиқлар суммаларига тенг бўлиши лозим. Барча ҳисобварақлар бўйича ойлик айланмалар суммаси, дебет бўйича ва кредит бўйича «Мемориал ордер бўйича сумма» устуни жамиға тенг бўлиши керак.

Молия йилиға кўшимча даврда амалға ошириладиган операциялар бўйича бухгалтерия ёзувлари молия йили натижалари бўйича тегишли ҳисобварақларнинг дастлабки натижаларидан кейин декабр ойида «Бош журнал» китобида акс эттирилади.

Касса харажатлари китоблари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳар бир бюджет маблағлари олувчи бўйича алоҳида юритилади, мос равишда:

- Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича касса харажатлари ҳисоби китоби (3-кбс –шакл);

- Бюджет маблағлари олувчиларға бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағларининг тушуми ва сарфланиши ҳисоби китоби (3-квпф–шакл);

- Бюджет маблағлари олувчиларға бошқа бюджетдан ташқари маблағларининг тушуми ва сарфланиши ҳисоби китоби (3-квбс–шакл).

Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича касса харажатлари ҳисоби китоби (3-кбс –шакл):

варақнинг биринчи сатрида режали ажратилган йиллик бюджет маблағларининг тегишли суммалари харажат турлари бўлинмасида ёзилади;

иккинчи сатрида жорий ойнинг режали ажратилган бюджет маблағлари суммалари харажат турлари бўлинмасида ёзилади.

Харажат турлари бўйича режали ажратилган бюджет маблағлари ўзгаришлари, харажатлар турлари бўйича сметаларга киритилаётган ўзгартиришлар рўйхати реквизитлари кўрсатилган ҳолда, тегишли ёзувлар билан расмийлаштирилади.

Кейинчалик, касса харажатлари ҳисобида, операциялар амалга оширилган санага мувофиқ: тегишли харажат турлари бўйича суммалар ёйилмасида касса харажатларини амалга оширилишида асос бўлган тўлов топшириқномалари, чеклар ва бошқа тегишли ҳужжатларнинг реквизитлари ёзилади.

Банк ҳужжатлари ва шахсий ҳисобварақдан кунлик амалга оширилган операциялар кўчирмага иловалар киритилгандан сўнг касса харажатлари жами ҳисобланади ва сўровномага кўра ҳисобот сана бошига режали ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари чиқарилади.

Режали ажратилган бюджет маблағларига ўзгартиришлар киритишда уларнинг қолдиқлари, киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда чиқарилади. Бундан ташқари, ой охирида тегишли равишда ойлик ва йил бошидан (касса) айланмалар жами ҳисобланади.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағлари бўйича касса харажатлари ҳисоби китобида (3-квпф–шакл) ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари бўйича касса харажатлари ҳисоби китобида (3-квбс–шакл) касса харажатлари йил бошига қолдиқлар суммалари ва ҳисобот даврида тушган тушумлар билан амалга оширилган касса харажатларини солиштириш билан амалга оширилади.

«Бюджет маблағлари бўйича даромадлар ва тушумлар ҳисоби китоби»да (5-к–шакл) тегишли бюджетларга келиб тушган даромадлар ва Аниқланмаган тушумлар суммалари ҳисоби юритилади (040 ва 041-субсчётлар).

«Бюджет маблағлари бўйича даромадлар ва тушумлар ҳисоби китоби»да (5-к–шакл) «Мундарижа» бўлимида тегишли бюджетга келиб тушадиган барча турдаги даромадлар санаб ўтилади, яъни бюджет таснифининг бўлим ва параграфлари, ҳар бир даромад турининг тўлиқ номланиши ва ҳар бир даромад турига берилган дафтар сатри рақами кўрсатилади.

«Бюджет маблағлари бўйича даромадлар ва тушумлар ҳисоби китоби»да (5-к–шакл) аналитик ҳисоб ҳар бир даромад тури бўйича алоҳида-алоҳида юритилади.

Мемориал ордер ва келиб тушган даромадлар тўғрисидаги маълумот асосида «Бюджет маблағлари бўйича даромадлар ва тушумлар ҳисоби китоби»да (5-к–шакл) «Кредит» устунига автоматик режимда ҳар бир даромад тури учун белгиланган тегишли сатрларда ҳисоби юритилади.

Ортиқча тўланган ёки нотўғри ўтказилган даромадлар суммалари, шу жумладан давлат солиқларидан ва даромадларидан ажратмалар «Бюджет маблағлари бўйича даромадлар ва тушумлар ҳисоби китоби»да (5-к–шакл) алоҳида сатрида шакллантирилади.

Ортиқча тўланган ёки нотўғри ўтказилган даромадлар суммалари хронологик тартибда ёзиб борилади ва бунинг учун кўзда тутилган, мемориал ордер раками, бўлим, параграф ва суммалар кўрсатиладиган «Дебет» устунида акс эттирилади. Ой якунида ушбу операцияларни даромад турларининг бир хиллиги белгиси бўйича гуруҳлаштирилади ва ҳар бир даромад тури бўйича қайтарилган даромадларнинг умумий суммалари «Ой давомида дебет бўйича жами» тегишли устуннинг сатрларига ёзилади, ундан кейин жорий ой учун ҳар бир даромад тури бўйича, йил бошидан ўсиб бориш тартибида ва 04-счёт бўйича жами натижалар чиқарилади.

Қайтариладиган даромад суммаси ушбу тур даромади бўйича йил бошидан тушган тушумлар суммасидан ошиқ бўлган ҳолатларда (мисол учун, ўтган йилда ортиқча тўланган маълум даромад тури бўйича йил бошида қайтарилганда) манфий қолдиқ ҳосил бўлади.

Аниқланмаган тушумлар суммалари «Бюджет маблағлари бўйича даромадлар ва тушумлар ҳисоби китоби»нинг (5-к–шакл) 041-«Аниқланмаган тушумлар» субсчётига ёзилади.

2.2. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолати ва унинг таҳлили.

Бюджет ташкилотларида 11 -«Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар» счёти гуруҳига кирган субсчётларда ташкилотларнинг: тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлари; ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлари; бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари, шунингдек тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш фонди маблағлари; бошқа бюджетдан ташқари маблағлари; вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлари; валюта ҳисобварағидаги маблағлари; бюджет маблағлари бўйича юзага келган олдинги йиллардаги дебиторлик қарзларининг жорий молиявий йилда тушган маблағлари; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пеисия фонди маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотлари ходимларининг ижтимоий тўловларини қоплаш учун келиб тушган маблағлари; бошқа кирим қилинган бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракатига доир операцияларнинг ҳисоби 3-Мемориал ордер «Бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига доир жамланма қайднома»да (381-шакл) юритилади. Агар бюджет ташкилотида бир неча ҳисоб-варақлар очилган ҳолларда жамланма қайднома ҳар бир ҳисоб-варақ бўйича алоҳида юритилади. Бунда, мемориал ордерларга 3-а, 3-б, 3-в, 3-г ва х.к. рақамлари берилади.

Операцияларнинг ҳажмига қараб жамланма қайдномалар тузиш талаб қилинмайдиган ҳамда банкларда (ғазначиликда) бир неча ҳисобварақлари мавжуд бўлган ташкилотларда пул маблағлари ҳаракатининг ҳисоби «Жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)»да (292-шакл) ҳар бир субсчёт бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

Касса харажатларининг аналитик ҳисоби «Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари»да (294-шакл) юритилади. Аввал айтилганидек, «Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари» (294-шакл) харажатларнинг тасдиқланган (аниқланган) лимитлари асосида амалга оширилишини ҳисобга олиш учун мўлжалланган ва дафтарда бюджет лимити суммалари, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисоби юритилади. Касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисоби бюджет харажатларининг иқтисодий таснифини элементлари бўйича алоҳида юритилади.

11-«Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар» счёти қуйидаги субсчётларни ўз ичига олади:

110-«Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» субсчёти;

111-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субсчёти;

112-«Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари» субсчёти;

113-«Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчёти;

114-«Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар» субсчёти;

115-«Валюта ҳисобварағи» субсчёти;

119-«Бошқа ҳисобварақлардаги пул маблағлари» субсчёти.

Бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларига кирим қилинган таълим муассасаларидаги болаларнинг ота-оналари томонидан тўланадиган бадаллари ҳамда овқатланганлиги учун ходимлардан тушган маблағлари ҳисоби 110-«Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» субсчётида олиб борилади. 110-«Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» субсчётининг дебетида тегишли ғазначилик органида очилган шахсий ҳисобварақларга кирим қилинган таълим муассасаларидаги болаларнинг ота-оналари томонидан тўланадиган бадаллардан ҳамда овқатланганлиги учун ходимлардан тушган маблағлари акс эттирилади.

110-«Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» субсчёти актив субсчётдир.

110-«Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» субсчёти бўйича синтетик ҳисоб 3-мемориал ордер «Бюджетдан ташқари маблағларҳаракатига доир жамланма қайднома»да (381-шакл), касса харажатларининг аналитик ҳисоби «Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари»да (294-шакл) юритилади. 110-«Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» субсчётининг кредитида эса келиб тушган маблағларнинг сарфланиши акс эттирилади.

Бюджет ташкилотларида таълим муассасалари томонидан ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисоби 111-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субсчётида олиб борилади. 111-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субсчётнинг дебетида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар акс эттирилади. 111-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субсчётининг кредитида эса ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларнинг ишлатилиши акс эттирилади.

111-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субсчёти актив субсчётдир. 111-«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субсчёти бўйича синтетик ҳисоб 3-Мемориал ордер «Бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига доир жамланма қайднома»да (381-шакл), касса харажатларининг аналитик ҳисоби эса «Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари»да (294-шакл) юритилади.

Бюджет ташкилотларида ташкилотнинг ривожлантириш фонди бўйича даромадлар ва тушумлари ҳамда тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш фонди маблағларининг ҳисоби 112-«Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари» субсчётида олиб борилади.

112-«Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари» субсчётининг дебетида бюджет ташкилотларининг ривожлантириш фонди бўйича даромадлар ва тушумлари, шунингдек тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш фонди бўйича маблағларнинг келиб тушиши акс эттирилади.

112-«Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари» субсчётининг кредитида эса бюджет ташкилотларининг ривожлантириш фонди бўйича даромадлар ва тушумлари, шунингдек тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш фонди бўйича келиб тушган маблағларнинг сарфланиши акс эттирилади.

112-«Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари» субсчёти актив субсчётдир. 112-«Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари» субсчёти бўйича синтетик ҳисоб 3-Мемориал ордер «Бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига доир жамланма қайднома»да (381-шакл), касса харажатларининг аналитик ҳисоби эса «Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари»да, яъни бухгалтерияда белгиланган 294-шаклда юритилади

Бюджет ташкилотларининг эскирган ва кераксиз моддий қийматликларни сотишдан ҳамда турли хил жарималар ва пенялардан ҳамда бошқа конунчиликда тақиқланмаган тушумлар бўйича маблағлари ҳисоби 113-«Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчётида олиб борилади.

113-«Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчётининг дебитида бюджет ташкилотларининг эскирган ва кераксиз моддий қийматликларни сотишдан, шунингдек турли хил жарималар ва пенялардан ҳамда бошқа тушумлар бўйича келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

113-«Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчётининг кредитида эса бюджет ташкилотларининг эскирган ва кераксиз моддий қийматликларни сотишдан, шунингдек турли хил жарималар ва пенялардан ҳамда бошқа тушумлар бўйича келиб тушган маблағлар сарфланиши (ёки ўтказиб берилиши) акс эттирилади. 113-«Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчёти актив субсчётдир.

Бюджет ташкилотларида бошқа бюджетдан ташқари маблағлар тушумига доир операциялар бўйича тузиладиган бухгалтерия ўтказмалари

2.2.1-жадвал.

№	Хўжалик жараёнлари мазмуни	Дебет	Кредит
1	Топширилган иккиламчи хом ашё учун тегишли ташкилотлардан маблағ келиб тушди	113	152
2	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган ва ҳозирга келиб кераксиз бўлиб қолган ва эскирган асосий воситаларни сотишдан маблағ келиб тушди	113	152
3	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган ва ҳозирга келиб кераксиз бўлиб қолган товар-моддий захираларни сотишдан маблағ келиб тушди	113	152
4	Асосий воситаларни сотиб олган ташкилотдан пул маблағлари келиб тушди	113	152
5	Бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган моддий қийматликларни сотишдан пул маблағлари келиб тушди	113	152
6	Турли хил жарималар ва пенялардан ҳамда бошқа конунчиликда тақиқланмаган манбалардан маблағ келиб тушди	113	турли субсчётлар
7	Бюджет ташкилотининг эскирган ва кераксиз моддий қийматликларни сотишдан ҳамда турли хил жарималар ва пенялардан ҳамда бошқа тушумлар бўйича келиб тушган маблағлар сарфланди	150 ва турли субсчётлар	113

8	Текширишлар якуни бўйича аниқланган ортиқча пул маблағлари бюджет ташкилоти кассасига кирим қилинди	120 ёки 172	273
9	Текширишлар якуни бўйича аниқланган ортиқча пул маблағлари бюджет ташкилоти кассасига кирим қилинган маблағлар банкка топширилди	113	120 ёки 172
10	Мазкур ҳисобварақнинг вақтинча бўш турган маблағлари депозитга қўйилди	140	113
11	Депозитга қўйилган маблағлар бўйича фоиз кўринишидаги даромадлар келиб тушди	113	159
12	Депозитга қўйилган вақтинча бўш турган маблағлар қайтарилди	113	140
13	Пул эквивалентлари сотиб олиш учун тегишли ташкилотларга маблағлар ўтказилди	150	113
14	Инкассатордан нақд пул маблағларини банк қабул қилиб олди	113	131
15	Аккредитив қўйилди	130	113
16	Аккредитивга қўйилган маблағларнинг фойдаланилмаган қисми қайтариб олинди	113	130

113-«Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчёти бўйича синтетик ҳисоб 3-Мемориал ордер «Бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига доир жамланма қайднома»да (381-шакл), касса харажатларининг аналитик ҳисоби эса «Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари»да (294-шакл) юритилади.

Бюджет ташкилотида ўзининг ихтиёрига вақтинча тушган ва маълум шартлар бажарилгандан кейин қайтарилиши ёки тегишли ҳисобварақларга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар ҳисоби 114-«Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар» субсчётида олиб борилади.

114-«Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар» субсчётининг дебитида бюджет ташкилотининг ихтиёрига вақтинчалик тушган суммалар акс эттирилади. 114-«Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар» субсчётининг кредитида эса белгиланган шарт бажарилгандан сўнг ўрнатилган тартибда бюджет ташкилотининг ихтиёрига вақтинчалик тушган суммаларнинг берилиши ёки ўтказиб берилиши акс эттирилади.

114-«Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар» субсчёти актив субсчётдир. 114-«Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар» субсчёти бўйича синтетик ҳисоб 3-Мемориал ордер «Бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига доир жамланма қайднома»да (381-шакл), касса харажатларининг аналитик ҳисоби эса «Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари»да (294-шакл) юритилади.

Бюджет ташкилотларидаги хўжалик операциялари ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектлар каби ўзига хос хусусиятларга эга. Шу туфайли ҳам мазкур 114 ҳисобварақни қўлланилиши бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни назорат қилишда амалий ёрдам беради.

**Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар “Қашқадарё вилояти” бўйича
БЮДЖЕТ ИЖРОСИ БАЛАНС ҲИСОБОТИ (минг сўмда)**

2.2.2-жадвал

Кўрсаткичлар номи	2011 йил	2012 йил	Шу жумладан ўзгариши 2011 йилга нисбатан		2012 йил	2013 йил	Шу жумладан ўзгариши 2012 йилга нисбатан	
			Фарқи (+,-)	Фоизда			Фарқи (+,-)	Фоизда
АКТИВ								
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағларининг ғазначилик ҳисобварақлари	16241046,74	17191752,4	+950705,66	106,0	17191752,4	19303856,0	+2112103,6	112,3
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлари ҳисобига нақд пул олиш учун махсус ҳисобварақ	30 380,42					30 380,42		
Бюджетга ўтказиш учун маблағлар		29654,0	29654,0	100,0	29654,0	56 632,91	+26978,91	191,0
Шахсий ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисобига пенсия ва нафақалар	247 763,48	271808,9	+24045,42	110,0	271808,9	193 003,25	-78805,65	71,0
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига нақд пул олиш учун махсус ҳисобварақ	337,4					337,4		
Бюджет ташкилотларининг шахсий ҳисобварақларидаги бошқа бюджетдан ташқари маблағлари	4 545 846,29	9236173,3	+4690327,01	203,2	9236173,3	11 569 538,55	+2333365,25	125,3
Пул маблағлари жами	21 065 374,33	26729388,5	+5664014,17	127,0	26729388,5	31 153 748,53	+4424360,03	116,5
Харажатлар жами								
Маҳаллий бюджетлари ҳисобига нақд пул олиш учун махсус ҳисобварақ		30 380,42			30 380,42			
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига нақд пул олиш учун махсус ҳисобварақ		337,4			337,4			
Баланс фаъливи бўйича жами	21 065 374,33	26760106,3	+5694731,97	127,0	26760106,3	31 153 748,53	+4393642,23	116,4
ПАССИВ								
Бюджет даромадлар		954,2			954,2			
Бюджет ижроси натижалари	16271427,16	17221178,6	+949751,44	106,0	17221178,6	19334236,42	+2113057,82	112,3
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ижроси натижалари	248 100,87	272146,3	+24045,43	110,0	272146,3	193 340,64	-78805,66	71,0
Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ижроси натижалари	4 545 846,29	9265827,3	+4719981,01	203,8	9265827,3	11 626 171,46	+2360344,16	125,5
Баланс пасиви бўйича жами	21 065 374,33	26760106,3	+5694731,97	127,0	26760106,3	31 153 748,53	+4393642,23	116,4

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоят Ғазначилик бошқармасининг 2012 йилда республика бюджети ва маҳаллий бюджет маблағларининг ғазначилик ҳисобварақларидаги маблағ қолдиғи ўтган йилга нисбатан 950705,66 минг сўмга ошган ёки 106 фоизни ташкил этган. Яъни, бюджетдан маблағ олувчилар бюджет ажратилаган маблағларни йил охирида сарфлай олмаган. Натижада ушбу маблағлар кейинги йил қолдиғи бўлиб ўтган. Шунингдек бюджетга ўтказиш учун маблағлар ўтган йилга нисбатан 29654 минг ҳисобварақда қолдиқ бўлиб қолган. Бундан ташқари, пенсия жамғармаси ҳисобига пенсия ва нафақалар 24045,2 минг сўмга ошган ёки 110 фоизни ташкил этган. Бджетдан маблағ олувчиларнинг бджетдан ташқари маблағлари 2011 йилга нисбатан 4690327,01 минг сўмга кўпайган. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақиси ва нафақа пуллари 2012 йилда ўтказиб берган. Қашқадарё вилоят Ғазначилик бошқармасининг пул маблағларининг жами 2011 йилга нисбатан 127,0 фоизга кўпайган.

Қашқадарё вилоят Ғазначилик бошқармасида 2012 йилда бюджет даромадлари 954,2 минг сўмни ташкил этган бўлиб, бюджет ижроси натижалари ўтган йилга нисбатан 949751,44 минг сўмга ошган ёки 106 фоизни ташкил қилган. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари натижалари 24045,43 минг сўмга, бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ижроси натижалари эса 4719981,01 минг сўмга ошган, яъни бунда бюджетга ўтказиладиган маблағ 29654,0 минг сўмни ташкил этган. 2013 йига нисбатан олиб қарайдиган бўлсак, яъни республика бюджети ва маҳаллий бюджет маблағларининг ғазначилик ҳисобварақларидаги маблағ қолдиғи ўтган йилга нисбатан 19303856,0 минг сўмга ёки 112,3 фоизни ташкил этган. Бюджетга ўтказиш учун маблағлар қолдиғи 26978,91 минг сўмга ёки 191,0 фоизга ошган. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан маблағлари ўтган йилга нисбатан 2333365,25 минг сўмга ёки 125,3 фоизга кўпайган. Яъни, Қашқадарё вилоят Ғазначилик бошқармасининг пул маблағларининг жами 2012 йилга нисбатан 116,5 фоизга кўпайган. Бюджет ишроси натижалари 112,3 фоизни ташкил этган бўлса, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ижроси натижалари ўтган йилга нисбатан 71 фоизга камайган, бундан ташқари бюджетга ўтказиш учун маблағлар 56632,91 минг сўмни ташкил қилган.

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҒАЗНАЧИЛИК БОШҚАРМАСИНИНГ 2013 ЙИЛДА
БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ ҲИСОБОТИ (сўмда)**

2.2.3-жадвал

Кўрсаткичлар номи		Йил бошида қолдиқ	Келиб тушган ва касса қилинган пул маблағлари			Йил охирида қолдиқ
			Келиб тушган пул маблағлари	Касса ва бошқа харажатлари	Қайтариб берилган маблағлар (9818,9819)	
1	Қарши шаҳар	1223941895	9528741084	9138404456	8139626	1606138897
2	Ғузор тумани	172656471,6	3158373289	2879622734		451407026,6
3	Дехқонобод тумани	126608651,9	1436745899,8	1258609925	881226,2	303863400,5
4	Қамаш тумани	131412114,7	1818582683,35	1740319492	94300,75	209581005,3
5	Қарши тумани	264092796,4	1773359901,6	2037452698		499668115,7
6	Косон тумани	370144349,4	1887950526,6	2258094876	134600	541129027,3
7	Китоб тумани	380781521,2	3071813031,6	2998882615		453711937,8
8	Муборак тумани	268311676,2	1036421635,83	983247885,2	3439321,43	318046105,4
9	Нишон тумани	340637343,9	1503202544,35	1470910892	500259,65	372428736,6
10	Касби тумани	224827379,8	1896342055,4	1678169109	1600840	441399486,2
11	Миришкор тумани	161110878,9	1133201581,8	1092893495	594675	200229615,7
12	Чироқчи тумани	328496012,6	2059928004,98	1931564275	3617057,38	453242685,2
13	Шахрисабз тумани	1 916 897 487,28	13460469246,6	12 217 957 563,92	51 366 322,76	3 108 042 847,18
14	Яккабоғ тумани	200815173,6	2921878332,5	3015479009	144710	107 069 787,1
Вилоят		4385688538	7711888119	9853922160	115083184	2128571313
	Жами	10496422290,4	55439253004,9	54555531185,1	185596123,2	11194529987

2.2.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Қашқадарё вилоят Ғазначилик бошқармасида бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олишни туманлар кесимида олиб таҳлил қиладиган бўлсак, Қарши шаҳар ғазначилик бошқармасида йил бошида қолдиқ 11,7 фоизни ташкил этган бўлса, йил охирига келиб 14,3 фоизни ташкил этган. Йил давомида келиб тушган маблағ 9528741084 сўмни, қайтариб берилган маблағ 8139626 сўмни ташкил қилган. Косон туманида бюджетдан ташқари пул маблағлари 3,4 фоизни, Касби туманида 3,5 фоизни, Чирокчи туманида 3,7 фоизни, Қарши шаҳрида 17,2 фоизни ҳамда вилоят миқёсида 13,9 фоизни ташкил этган. Қашқадарё вилоят ғазначилик бошқармасида йил охирида жами 11194529987 сўм маблағ қолган.

Ғазначилик тизими бухгалтериясида энг асосий бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисоботда қуйидагича акс эттирилади. Мазкур ҳисобот ташкилотлар томонидан ҳисобот даври мобайнида фаолият турига мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадларни, вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришдан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамлар ҳисобидан тушган тушумларни, шунингдек тежаб қолинган ва ривожлантириш жамғармасига ўтказилган бюджет маблағлари ҳаракатини акс эттириш учун тузилади.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот шаклини тузишдан олдин ташкилотлар:

ҳисобот чораги мобайнидаги фаолият турига мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишга, вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришга, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамларга, шунингдек ҳисобот чорагининг охириги иш кунида тежаб қолинган бюджет маблағларига доир дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

(шахсий) ҳисобварақлардан олинган кўчирмаларни ва тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўғрилигини текшириб чиқади.

Йил бошига пул маблағи қолдиғи" қаторига тегишли ҳисобварақлардан кўчирмаларга мувофиқ Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобот йилининг биринчи январь санасига мавжуд пул маблағлари қолдиғи акс эттирилади. Бунда, ғазначилик бўлинмаларининг тегишли транзит ҳисобварақларидаги ташкилотга тегишли бўлган қолдиқ маблағлар ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Ҳисобот даврида тушган даромадлар - жами" қаторида "а", "б", "в" ва "г" қаторлари бўйича ҳисобот даврига тушган барча даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади.

а) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан" қаторида фаолият тури бўйича маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган жами тушумлар (пул маблағлари) кўрсатилади.

б) вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришдан" қаторида вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва бошқа мулкларни ижарага беришдан тушган даромадлар (пул маблағлари) кўрсатилади.

в) юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатиладиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами ҳисобидан" қаторида Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ҳомий ташкилотлардан ҳамда жисмоний шахслардан тушган ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

г) ҳисобот чорагининг охириги иш кунида тежаб қолинган бюджет маблағлари ҳисобидан" қаторида тежаб қолинган ва белгиланган тартибда бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилган бюджет маблағлари кўрсатилади. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари - жами" қаторида "Касса харажатлари - жами"да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиғи" қаторида "1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи" қаторида акс эттирилган сумма ва "2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар - жами" қаторида акс

этирилган тушумлар йиғиндисидан "3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари - жами" қатори бўйича акс этирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

"Харажатлар ёйилмаси"да Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс этирилади.

Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур Қоидаларнинг 146-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисоботда эса мазкур ҳисоботни тузишдан олдин тиббиёт муассасалари:

Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбаларига ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

шахсий ҳисоб рақамлардан олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини текшириб чиқади.

1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи" қаторида тегишли ҳисобварақларнинг ҳисобот йилининг биринчи январь санасидаги кўчирмаларига асосан Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари қолдиғи акс этирилади.

Бунда, тиббиёт муассасаларига тегишли бўлган ғазначилик бўлинмаларидаги транзит ҳисобварақларидаги тегишли пул маблағлари қолдиғини ҳам ҳисобга олиш лозим.

2. Ҳисобот даврида тушган даромадлар - жами" қаторида "а", "б", "в", "г" ва "д" қаторлари бўйича ҳисобот даврига тушган барча даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади.

а) тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган умумий бюджет маблағларининг 5 фоизи ҳисобидан" қаторида тиббиёт муассасаси учун бюджетдан ажратиладиган умумий маблағларнинг (харажатлар сметасида кўзда тутилган жами маблағларнинг) 5 фоизигача бўлган қисмининг муассасанинг мазкур жамғармасига ўтказилган суммалари кўрсатилади.

б) ҳомийлар ва донор ташкилотлардан" қаторида ҳомий ва донор ташкилотлардан тушган ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

в) пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан" қаторида тиббиёт муассасаларининг пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлари кўрсатилади.

г) ҳисобот чорагининг охириг иш кунида тежаб қолинган бюджет маблағлари" қаторида қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрсатилган жамғармага ўтказилган тежаб қолинган маблағлар суммаси кўрсатилади.

д) вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришдан" қаторида тиббиёт муассасалари вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва бошқа мулкларни ижарага беришдан тушган даромадларини кўрсатади.

3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари - жами" қаторида 4-устун - "Касса харажатлари - жами"да акс этирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

4. Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиғи" қаторида "1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи" қаторида акс этирилган сумма ва "2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар - жами" қаторида акс этирилган тушумлар йиғиндисидан "3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари - жами" қатори бўйича акс этирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

"Харажатлар ёйилмаси"да кўрсатилган Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс этирилади.

Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур Қоидаларнинг 146-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисоботи. Ушбу ҳисобот таълим муассасаларидаги ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.

Таълим муассасалари мазкур ҳисоботни тузишдан олдин қуйидагиларнинг тўғрилигини текшириб чиқадилар:

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишига оид барча дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

аналитик ҳисоб маълумотларининг тегишли синтетик ҳисоб маълумотларга мувофиқлигини;

тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўлиқ ва тўғри ёзилганлигини.

1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи" қаторида тегишли ҳисобварақлардан кўчирмаларга мувофиқ ҳисобот йилининг биринчи санасига мавжуд тўлов-контракт маблағлари қолдиғи акс эттирилади.

2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар - жами" қаторида "а", "б" ва "в" қаторлари бўйича ҳисобот даврига тушган даромадларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари - жами" қаторида "Касса харажатлари - жами" устунида акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

4. Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиғи" қаторида "1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи" қаторида акс эттирилган сумма ва "2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар - жами" қаторида акс эттирилган тушумлар йиғиндисидан "3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари - жами" қатори бўйича акс эттирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

"Харажатлар ёйилмаси"да тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур Қоидаларнинг 146-бандида назарда тутилган ташкилотлар бундан мустасно.

Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисоботи. Мазкур ҳисобот қуйидаги бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун мўлжалланган:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари;

ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси;

мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар;

мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (муסיқа ва санъат мактаблари);

ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар;

мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушумлар;

ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари;

умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар;

капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар;

турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар;

бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови;

бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари;

грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари;

кредитлар.

Ҳисоботни тузишдан олдин ташкилотлар куйидагиларни текширадилар:

ҳисобот чораги мобайнидаги барча мазкур бюджетдан ташқари маблағларининг шаклланиш манбаларига ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

ҳисоб рақамлардан олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини.

"Йил бошига маблағ қолдиғи" устуни бўйича ташкилотлар ҳисобот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобот йилининг биринчи санасига бўлган мавжуд қолдиқ маблағларни акс эттирадилар.

"Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар) - жами" устунида ҳисобот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда ҳисобот даврида ташкилотнинг ҳисобварақларига келиб тушган тушумлар акс эттирилади.

"Харажатлар ёйилмаси" бўлими бўйича мазкур бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳисобот даврида амалга оширилган касса ва харажатларни харажатлар иқтисодий таснифининг харажатлар моддаси, кичик моддаси ва элементлари бўйича ҳар бир бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирадилар.

Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур Қоидаларнинг 146-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бюджет ташкилотларининг ғазначилик тизими билан қамраб олинган бюджетдан ташқари маблағлари

2.2.4-жадвал



**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҒАЗНАЧИЛИК БОШҚАРМАСИД 4009-ЯГОНА ҒАЗНА
ҲИСОБРАҚАМИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ
ШАКЛИДАН ТУШГАН МАБЛАҒЛАР
(минг сўмда)**

2.2.5-жадвал

Муассаса	Йил бошида қолдиқ	Ҳисобот даврида келиб тушган пул маблағлари	Касса харажатлари	Қайтарилган маблағ (9919,9818)	Ой охирида қолдиқ
Карши Мухандислик иктисодиёт институти	6 378 970,90	16 906 982,40	12 485 137,80	5 375,00	10 795 440,50
Карши Давлат Университети	3 757 067,80	16 035 950,60	15 629 688,80	12 867,00	4 150 462,60
Тошкент ахборот технология университети карши филиали	301 800,10	2 613 626,00	2 312 686,40	575,2	602 739,70
КМИИ қошидаги Нуристон АЛ	1 839,40		1 814,80		24,6
Вилоят малака ошириш институти	330 218,20	249 659,20	269 921,50		309 955,90
Карши шаҳар Банк коллежи	0,1	4 886,00			4 886,00
Карши педагогика коллежи	68 272,90	149 331,00	148 480,10		69 123,80
Карши санъат коллежи	5 104,00	6 641,00			11 745,00
Карши агробизнес ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи	27 943,00	1 468,00	11 582,80		17 828,20
Карши маданият коллежи	615,5	350			965,5
Яккабоғ иктисодиёт коллежи	4 223,90	305			4 528,90
Шахрисабз Ахборот технологиялари касб-хунар коллежи	3 651,00				3 651,00
Шахрисабз туман Енгил саноат касб-хунар коллежи	236,5				236,5
Шахрисабз Педагогика коллежи	425,1				425,1
Шахрисабз Тиббиёт коллежи	46 114,60	7 118,50	44 965,40		8 267,60
Камаши кишлок хужалик касб хунар коллежи	11 981,60		1 059,20		10 922,40
Камаши педагогика иктисодиёт касб-хунар коллежи	806,3				806,3
Камаши маиший хизмат касб-хунар коллежи	1 095,40	150	946,2		299,2
Косон Саноат-транспорт касб-хунар коллежи	404,8				404,8
Косон Санот касб-хунар коллежи	5 709,50		5 707,20		2,2
Косон Педагогика-иктисодиёт коллежи	48 601,20				48 601,20
Гузор нефт-газ саноати касб-хунар коллежи	144	4 736,80	4 000,00		880,8
Муборак туман Ижтимоий-иктисодиёт коллежи	154,2				154,2
Муборак Тиббиёт коллежи	1 107,00				1 107,00
Миришкор маиший хизмат касб-хунар коллежи	2 388,00		600		1 788,00
Нишон Агроиктисодиёт коллежи	37				37
Камаши Агробизнес касб-хунар коллежи	379,1				379,1
Нишон саноат энергетика касб-хунар коллежи	250				250
Чирокчи Спорт - Педагогика коллежи	8 074,00	1 627,00			9 701,00
Китоб ижтимоий-иктисодиёт коллежи	2 453,00	1 330,00			3 783,00
Камаши ахборот технологиялари касб хунар коллежи	906,5	1 220,00			2 126,50
Дехқонобод тиббиёт коллежи	8 784,00	8 528,50	9 595,00		7 717,50
Жами	11 019 758,60	35 993 910,00	30 926 185,20	18 817,20	16 069 241,10

2.2.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Қашқадарё вилоят ҳазначилик бошқармасининг таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт пул маблағлари бўйича Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтнинг йил бошидаги пул қолдиқлари 6 378 970,90 минг сўм ёки 61,1 фоизни ташкил қилган. Ҳисобот даврида 4009-ҳисобрақамига 16906982,40 минг сўм маблағ келиб тушган, шундан 12485137,80 минг сўм касса харажати, 5375,0 минг сўм нотўғри тушган маблағ қайтарилган, йил охирида қолдиқ 10795440,50 минг сўмни ташкил этган. Қарши давлат Университетининг йил бошида қолдиқ маблағи 3757067,80 минг сўмни, келиб тушган пул маблағлари 16035950,60 минг сўмни, касса харажатлари 15629688,80 минг сўмни, қайтарилган маблағ 12867,0 минг сўм, йил охирида қолган пул маблағи эса 4 150 462,60 минг сўмни ташкил этган. Тошкент ахборот технология университети қарши филиалида эса йил бошида қолдиқ пул маблағи 301 800,10 минг сўмни, келиб тушган маблағ 2 613 626,00 минг сўмни, касса харажати 2 312 686,40 минг сўмни, қайтарилган маблағ 575,2 минг сўм, йил охирида қолдиқ маблағ 602 739,70 минг сўмни ташкил этган. Ушбу маблағлар бўйича Молия вазирлиги смета харажатларига асосан тузилган бўлиб, ушбу маблағлар I,II,III.IV гуруҳларда тақсимлаб чиқилган ва 4009-ҳисоб рақамларидан амалга оширилиб борилган.

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҒАЗНАЧИЛИК БОШҚАРМАСИД 4009-ЯГОНА ҒАЗНА
ҲИСОБРАҚАМИДА ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ПУЛ
(минг сўмда)**

2.2.4-жадвал

Муассаса	Йил бошида қолдиқ	Ҳисобот даврида келиб тушган пул маблағлари	Касса харажатлари	Қайтарилган маблағ (9919,9818)	Ой охирида қолдиқ
Вилоят ДСЭНМ биричи ЯҒХ		19 925,30	17 551,80		2 373,50
Вилоят ДСЭНМ иккинчи ЯҒХ	7 748,30	59 775,80	66 709,00		815,1
Республика шошилинч маркази вилоят бўлими биринчи ЯҒХ	10 121,50	144 048,50	141 154,90		13 015,10
Республика шошилинч маркази вилоят бўлими иккинчи ЯҒХ	510,8	144 048,50	144 424,00		135,3
Республика саломатлик институти Кашкадарё вилоят филиали биринчи ЯҒХ	1 054,80	2 418,50	3 473,00		0,3
Республика саломатлик институти Кашкадарё вилоят филиали иккинчи ЯҒХ	3 704,50	7 255,50	4 260,00		6 700,00
"Соғлом авлод учун" жамғармаси	58,1				58,1
Китоб Вилоят Ёш гудаклар уйи биринчи ЯҒХ	75,1		75,1	75,1	
Китоб Вилоят Ёш гудаклар уйи иккинчи ЯҒХ	685,5		685,5	685,5	
Китоб Ибн сино сихатгоҳи биринчи ЯҒХ	2 726,30	17 985,60	17 562,50		3 149,40
Китоб Ибн сино сихатгоҳи иккинчи ЯҒХ	7 661,60	26 978,40	22 494,60		12 145,40
Китоб туман Сил касалликлар шифохонаси биринчи ЯҒХ	9 632,70	55 231,20	54 985,30		9 878,50
Китоб туман Сил касалликлар шифохонаси иккинчи ЯҒХ	29 275,60	82 846,80	73 650,90		38 471,50
Китоб туман асаб-рухий касал шифохона биринчи ЯҒХ	2 661,90	17 168,40	11 808,70		8 021,60
Китоб туман асаб-рухий касал шифохона иккинчи ЯҒХ	10 117,80	25 752,60	23 484,90		12 385,50
Китоб Вилоят болалар сил касал сихат биринчи ЯҒХ		16 842,00	13 500,00		3 342,00
Китоб Вилоят болалар сил касал сихат иккинчи ЯҒХ	7 075,70	25 263,00	21 228,10		11 110,60
Жами	93110,2	645 540,10	617 048,30	760,6	121 601,90

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҒАЗНАЧИЛИК БОШҚАРМАСИДА БЮДЖЕТ
ТАШКИЛОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ
ҲИСОБОТИ (минг сўмда)
2.2.4-жадвал**

Муассаса	Йил бошида қолдиқ	Ҳисобот даврида келиб тушган пул маблағлари	Касса харажатлари	Қайтарилган маблағ (9919,9818)	Ой охирида қолдиқ
Вилоят Архив иши бошқармаси	6 134,70	136 770,60	117 937,00		24 968,30
Вилоят ҳокимлиги	3 316,00	1 229,00	3 065,20		1 479,80
Қашқадарё вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси	38 349,50	227 791,70	202 766,70		63 374,50
Вилоят ер ресурс ва дав кадастри	5 376,20		5 376,20		
Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси	12 343,40	271 136,90	130 697,40		152 782,80
Вилоят КХЭУС ва СНКМ	4 615,80	33 168,80	33 033,60		4 751,00
Вилоят ветлабораторияси	2 656,30	1 412,10	2 082,00		1 986,30
Вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси	183 351,60	1 261 143,40	1 440 555,80		3 939,20
Вилоят ДСЭНМ	41 070,20	235 857,00	223 413,90		53 513,30
Республика шошилинч маркази вилоят бўлими	553,4	58 998,10	55 853,20		3 698,30
Қарши компьютер технология коллежи	324,6	74,7	101,8		101,8
Вилоят ҳокимлиги УМКХТБошқармаси	174				174
Вилоят малака ошириш институти	1 029,60	7 130,30	8 073,60		86,3
Қарши болалар "Мурувват" уйи	4 201,50	3 814,00	7 789,00		226,5
Ихтисослаштирилган фойдаланиш булинмаси	133,7	351 904,40	351 797,30		240,8
Вилоят болалар ва усмирлар спорт мактаби	1 585,00	8 242,40	4 826,80		5 000,60
17-қар болалар махсус мактаб-интернат		1 580,30	39,1		1 541,10
12-сонли футбол мактаб интернати	239				239
Қарши давлат 2-сон ИМУМИ	1 943,80	68 654,80	70 495,50		103,1
Вилоят кузи ожиз болалар махсус интернат	1 500,00				1 500,00
Вилоят укувчилар саройи	100				100
Вилоят согликна саклаш бош бошқармаси Аппарати	19 575,80	95 548,70	83 618,80		31 505,70
Вилоят меҳнат бошқармаси бошқарув аппарати	1 042,90	14 051,40	6 079,60		9 014,70
Рес саломатлик институти Қашқадарё вилоят филиали	5 061,40	71 448,10	49 402,90		27 106,50
Вилоят согликни саклашбошқармаси Автокорхонаси	1 258,90	968,7		1 258,90	968,7
Вилоят ашула ва ракс ансамбли	3 649,50	65 691,50	62 796,60		6 544,40
Вилоят қугирчок театри	2 359,30	38 571,10	36 042,30		4 888,00
Вилоят Ахборот Ресурс маркази	150	230	78	150	152
Вилоят мусикали драма театри	3 656,10	145 789,00	137 003,30		12 441,80
Жами					

Бугунги кунда дастурларни молиявий таъминлаш ва давлат маблағлари фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш ишида ғазначиликсиз муфакқиятга эришиб бўлмайди. Ғазначиликни жорий этиш давлат маблағларини бошқариш тизимининг самадорлигини оширишга кўмаклашади. Ғазначилик тизимида қилинаётган харажатларни энг юқори даражадаги «тиниклиги»га эришилади.

Ғазначилик органларининг асосий вазифаларидан бири бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилишини назорат қилиш ҳисобланади. Ўзбекистонда яратилаётган марказлаштирилган Ғазначилик тизими ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида нақд пулларни марказлаштиришни, шунингдек, бюджет ижросининг назоратини ва ҳисоб-китобини кўзда тутди.

Ривожланган мамлакатлардаги амалда ишлаётган ғазначиликнинг ягона ҳисобрақаи концепциялардан ва кассадаги нақд пул оқимларини ва пулли операцияларни бошқариш амалга оширилади. Бунда фаол ғазначиликнинг ягона ҳисобрақаи фаолият кўрсатади ва марказлаштирилган бухгалтерия назорати амалга оширилади. Барча бюджет маблағлари ғазначиликнинг ягона ҳисобрақаида тўпланади, тўловни амалга ошириш учун сўровнома ва уни тасдиқлайдиган хужжатлар ғазначиликка йўналтирилади, ғазначилик дастлабки назоратни амалга оширади, тўловларни режалаштиради ва тўловни амалга оширади.

Бизнинг фикримизча, республикаимизда Ғазначилик тизими фаолияти бошланиши билан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Назорат-текширув Бош бошқармаси назорат ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида, хўжалик субъектлари билан ўзаро алоқадорликнинг ҳамда ревизия ва текширувларни ўтқизишнинг янги тартиби ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат бюджетининг ижроси ғазначилик тизими орқали амалга оширилганда жорий ва якуний назорат Молия вазирлиги Назорат тафтиш бош бошқармаси ва Ғазначилик органига юклатилади. Кунлик жорий назорат ғазначилик зиммасига ўтгач, молия органлари ва бюджет муассасаларининг пул маблағлари ва товар-моддий бойликларни сақланиши, улардан тўғри, самарали фойдаланиши, иш ҳақларини тўғри ҳисобланиши ва тўланиши каби масалаларни назорат қилишнинг янги йўллари топилади.

Ғазначилик тизимида бюджетни ижро қилиш жараёни деталлаштирилган, у қуйидаги кўрсаткичларни аниқ назорат қилиш имконини беради:

- барча бюджет маблағларининг миқдори;
- бюджетдан молиялаштиришнинг кафолатланган лимити;
- бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ҳақиқий тузилган шартномаларнинг ҳажми;
- тузилган шартномалар асосида берилган аванс тўловларнинг ҳажми;
- товар-моддий бойликлар ва бажарилган ишлар ҳажми қабул қилинганлиги тасдиқлангандан кейин, шунингдек тақдим қилинган счё-

фактураларнинг тўғрилигини текширилганидан сўнг тўланадиган иш ҳақи ва бошқа турдаги пул маблағлари суммаси;

- тўловга тақдим этилган ҳисобрақамлардаги маблағлар миқдори;

- бюджет маблағлари ҳисобрақамидан ҳақиқий кўчирилган маблағлар миқдори.

Давлат бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобрақамларидан харажатларни молиялаштириш пайтида ғазначилик органлари томонидан дастлабки ва жорий назоратни амалга оширишда барча бюджет ташкилотлари ва муассасалар қамраб олиниши кўзда тутилади. Бюджет ташкилоти тасарруфида бўлувчи пул маблағлари миқдори молия органи томонидан тасдиқланган смета билан чекланган. Бу ташкилотларнинг юридик мажбуриятлари ҳам сметада кўрсатилган харажат моддалари доирасидан четга чиқмаслиги ғазначилик томонидан назорат қилинади, молиявий мажбуриятлари лимити уларнинг тасарруфидаги пул маблағлари билан белгиланади. Бюджет ташкилоти йил давомида кўплаб контрагентлар билан шартномалар тузади, уларнинг бажарилишини таъминлаш учун пул тўловларини амалга оширади. Молиявий мажбуриятлар лимитини баҳолашда 1 ва 2-модда харажатлари вақтида молиялаштирилишига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар вақтида берилиши, иш ҳақи фондидан ажратмалар тўланиши шарт. Бошқа харажатлар амалга оширилишида ҳам тежамкорлик, оқилоналик тамойилларига амал қилиш талаб этилади. Харажатлар тегишли рухсат асосида амалга оширилиши ҳамда уларнинг ҳажми йиллик ажратмалар ва харажатларни амалга ошириш рухсатида кўзда тутилган миқдордан ортиб кетмаслиги шарт.

Ғазначилик пул маблағларини самарали бошқариш, молиявий мажбуриятларнинг лимитини баҳолаш учун харажатларни амалга ошириш рухсати (ХАОР) жорий этилади. Бунда ҳар ҳафтада пул маблағларини бошқариш бўлинмаси касса режасини янгилайди ва ХАОР ҳажмини белгилайди. Кейин бюджет таснифига мувофиқ бюджет ташкилотларига ХАОР берилади. ХАОРлар муайян муддатга ёзилади ва шу муддат ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотади.

Молиявий йил давомида муайян бюджет (масалан, туман бюджети)нинг бюджет ташкилотлари учун сметалар асосида харажатларни амалга ошириш рухсатлари ёзиб берилади. Бироқ, бюджет башоратлаштирилганга нисбатан озроқ даромад олса, харажатларни амалга ошириш рухсатлари тўлиқ ҳажмида берилмайди. Шу боис йиллик ассигнованиялар ва сметалар аниқлаштирилмагунга қадар, харажатларни амалга ошириш рухсатларини олиш учун режадан ташқари бюджетлараро ссудалар тақдим этилиши мумкин. Ғазначилик ХТРлар чиқарилиши ва тўланиши, юридик мажбуриятлар рўйхатга олиниши, счет-фактуралар ва тўловга аризалар ёзилиши, аризалар тасдиқланиши ва тўлов амалга оширилиши учун масъул ҳисобланади.

У ёки бу томон шартнома шартларини бажармаган тақдирда шартнома суммаси камайтирилиш ёки шартнома бекор қилиниши мумкин. Масалан,

етказилган товар ва хизматлар шартномада кўрсатилган товар ва хизмат талабларига (сифати, ҳажми ва бошқалар) жавоб бермаган тақдирда бюджет ташкилоти шартномани бекор қилиш ҳақида сўровнома тайёрлаб ғазначилик бўлимига тақдим этиши лозим. Унда бекор қилиш сўралаётган шартномани бекор қилиш мақсадида рўйхатдан ўтказилган шартнома бўйича барча маълумотлар тўлиқ акс эттирилиши лозим. Қабул қилинган мажбурият суммаси сўровномага асосан қисман ёки умуман бекор қилинади. Маълум суммага бекор қилинган юридик мажбурият шу суммага бюджетга тикланади.

Давлат бюджети маблағларини мақсадли ишлатилишининг якуний назорати Ғазначиликнинг минтақавий органлари томонидан Молия Вазирлиги иқтисодий ва назорат ишларининг асосий масалалари Режасига мувофиқ, бошқа ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Чет мамлакатлар амалиёти шуни кўрсатадики, Ғазначилик бошқармаси ҳар йили назорат-текширув бошқармасига территорияларда жойлашган хўжалик субъектлари, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотлар фаолияти тўғрисида, шунингдек, ўтган йил мобайнида Давлат бюджетидан маблағ олган ташкилотлар тўғрисида бошланаётган йилнинг 01.01. ҳолатига ахборотлар тақдим қилади.

Назорат-текширув бошқармаси текшириш натижаларига кўра материалларни Ғазначилик бошқармасига Давлат бюджети даромадларини тўлдириш учун, штраф санкциялари қўллаш учун мақсадли ишлатилмаган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни йўналтиради. Ғазначилик органлари тақдим қилинган материалларни кўриб чиқиб, штраф санкциялари қўлланилгандан кейин бюджетдан маблағ олувчиларга жорий йилнинг молиялаштириш режаси шу миқдорда камайтирилганлиги тўғрисида маълумот юборади. Ғазначилик органлари текширув натижаларини тўлиқ амалга ошириш ва масъул раҳбар ходимларни, шунингдек, қонунни бузган шахсларни жазолаш мақсадида бюджет маблағларини ноқонуний ишлатиш ҳолатлари бўйича суд, прокуратура органларига ахборот беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ғазначилик органи фаолиятининг узлуксиз қисми-бу назоратдир деб айтиш мумкин. Ғазначилик органлари бюджет олувчилар томонидан давлат бюджетининг маблағларини мақсадли ишлатилиши устидан доимий назорат олиб боради. Бунда бюджет ижросида ғазначилик тизимининг махсуслиги кўринади.

Банклар томонидан миқдори ҳисоб молия ҳужжатлари, ҳисоб рақамида қолган маблағ миқёсида операцияларни бажаради ва тўлов манзилани назорат этилмайди. Ғазначилик органи эса қолган маблағ миқёсида иқтисодий тасниф моддалари бўйича тўлов мўлжалланганлиги устидан назорат олиб боради.

Бюджет олувчиларнинг Ғазначиликка ижро учун олинган молия ҳужжатлари банкка Ғазначилик бўлимлари номидан тақдим қилинади ва харажат ҳисобларидан олинади. Бюджет ташкилотлари томонидан нақд пул маблағлари олиш учун махсус тартиб кўзда тутилади. Ғазначилик органи

маълум тартиб асосида бюджет ташкилотларининг ишончли вакилига пул чекини расмийлаштиради ва шу чек асосида нақд пул банклардан ғазначилик органи ҳисобига олинади. Ғазначилик органи ҳисобидаги тушумлар ва харажатлар операциялари маълумотномаларда акс эттирилади, ҳар куни банк Ғазначилик органига маълумот тақдим этади, ўз навбатида ғазначилик органи ҳар бир ҳисоб бўйича бюджет олувчига маълумот беради, тўлов харажатларининг нусхаларини расмийлаштиради, бу ҳужжат харажат этилганлиги тўғрисида далолат беради.

Давлат бюджети даромад ва харажатлар режасини ижро этувчи барча банклар, бюджет маблағларини ҳисобдан чиқариш, кўчириш ва ҳисобга олиш муддатларига амал қилишлари лозим. Банк томонидан қонунбузарлик содир этилса, Ғазначилик томонидан жарималар белгиланади, ҳатто, Марказий Банкга мазкур банкни лицензиядан маҳрум этиш тўғрисида таклиф киритилади. Бундан ташқари, ғазначилик барча бюджет олувчилар томонидан олинган маблағнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат олиб боради, ғазначилик органлари томонидан шу мақсадда барча ҳисобхоналар, молиявий ва бошқа ҳужжатлар маблағнинг мақсадли ва қонун асосида ишлатилиши текширилади. Ноқонуний ишлатилганлиги аниқланса, бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилади ва мақсадсиз ишлатилган маблағ жорий йил бюджетини қисқартириш йўли билан олиб қўйилади.

Хулоса қилиб айтганда, республикада бозор муносабатлари шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларни таъминлашдаги жараёнлар, жумладан, бюджет ижросининг бажарилишини қатъий таъминлашда, бюджетдан биринчи даражали устивор ижтимоий харажатларни молиялаштиришда ва бюджет маблағларидан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар етарлидир.

Марказлашган бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда ишлатилишини назорат қилиш, маҳаллий бюджетларни бажарилишида инвестиция ва капитал қуйилмаларга йўналтирилган харажатлар устидан назорат қилиш тартибини мукаммаллаштириш лозим.

Шунингдек, ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш, дастур асосида аниқ рўйхатли бўлишини, бюджетдан маблағ олувчиларни молиялаштириш механизмини соддалаштириш, бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳисобини юритишда кучли молиявий назоратини таъминлашни тақозо этади.

Келгусида давлат бюджети харажатларини бошқаришда маблағларни мақсадли тақсимлаш, тежамкорлик режимида қатъий амал қилиш, давлат молия-бюджет, штат-смета интизомига риоя қилиш кучайтирилиши керак. Белгиланган ушбу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ғазначилик тизимидаги молиявий назорат орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин деб умид қиламиз. Кўзланган мақсад республикамизнинг келгусида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш равнақи, улкан иқтисодий ўзгаришларни таъминлаш, сарфланаётган ҳар бир сўм бюджет маблағи республиканинг

келажак равнақи ва истиқболи учун ўз натижа ва самарасини бериши керак. Ғазначилик тизимининг фаолияти нафақат давлат молиявий ресурсларни сафарбар қилиш орқали давлат харжатларини мунтазам бошқариш имкониятинигина яратибгина қолмай, улар устидан самарали назорат ташкил қилиш имконини ҳам беради.

III-боб. Ўзбекистон Республикаси ғазначилик тизимида бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобини такомиллаштириш йўллари.

Бюджет ҳисоби ва ҳисобот тизимини ислоҳ қилиш – сунъий равишда қўйилган мақсад эмас. Бу ислоҳот сиёсатчилар солиқ-бюджет соҳасида вазиятни англаган ҳолда қарорларни қабул қилишга ва давлатнинг вазифалари ҳамда функцияларини энг самарали усуллар фойдасига танлашга асос бўладиган ҳисобот маълумотларни шакллантиришга имкон берувчи ҳисоб процедураларни яратишга қаратилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-594 сонли қарори, ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Молия вазирлигининг 2007 йил 27 сентябрдаги 128 сонли буйруғи билан Давлат бюджетининг ғазна ижросини тўла жорий қилиш бўйича чоралар комплекси тасдиқланди. Бу чоралар комплекси бюджет ҳисоби ва ҳисоботи тизимини ислоҳ қилиш масаларини ҳам қамраб олган.

Шунингдек, Давлат секторида халқаро форматларга ўтиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги “Республикани халқаро амалиётида қабул қилинган ҳисобни олиб бориш ва статистика тизимига ўтиш Давлат дастури тўғрисида”ги 433 сонли қарор қабул қилингангандан кейиноқ бошланди. Шу дастур халқаро стандартлар ва форматларни босқичма-босқич жорий этилишни, жумладан, давлат сектордаги бюджет ҳисоби тизимини халқаро нормалар талабларига жавоб берувчи ҳолатда келтиришни, кўзда тутди.

Мамлакатимизда қабул қилинган давлат секторда бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришнинг стратегиясига мувофиқ янги тизимнинг асосий мезонлари аниқланган, хусусан:

бюджет таснифланиши билан интеграциялаш;

бюджетнинг ижроси ҳисоби ва бюджет ташкилотлардаги ҳисобни бирлаштириш;

Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (ДСБҲХС) ва Давлат молиялари статистикаси бўйича 2001 йил қўлланмаси (ДМСҚ 2001)нинг талаблари асосида ҳисоблаш усулидан фойдаланиш.

Бу стратегия қуйидагиларга қаратилган:

(i) ўзгартиришларни боғланган ҳолда, кетмакетликда ва амалий тартибда юз беришини таъминлаш. Масалан, қайсидир ўзгартиришлар дарҳол киритилиши мумкин, қайсидирларини амалга ошириш учун эса катта қонунчилик ва процессуал тайёргарлик, ҳамда кенг билим ва ўрганишлар зарур;

(ii) ҳисобни олиб боришдаги маълум ўзгаришлар бир неча йилга кечиктирилишини инобатга олган ҳолда перспективада Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими (ДМБАТ) ҳам бошланғич, ҳам ўрта муддатларда қандай талабларга мос бўлиши кераклигини аниқлаш.

Бухгалтерия ҳисобининг мазкур стратегиясида акс эттирилган ислоҳотнинг умумий мақсадлари қуйидагича:

(i) бухгалтерия ҳисобот ва молиявий ҳисоботни то ДСБҲХСнинг ҳисоблаш усулига тўла мослигига эришишга ўтиш даври тарикасида ДСБҲХСнинг касса усулига мос ҳолатига келтириш;

(ii) бухгалтерия ҳисоби амалдаги тадбирларини модификацияланган ҳисоблаш усули бўйича олиб бориш. Бу жараёнга молиявий ҳисоботларда тайёрланган қўшимча очилиш кўринишдаги ҳисоблаш услуби бўйича ДСБҲХСнинг мажбурий элементларини аста-секин киритиш. (iii) халқаро стандартларга бевосита асосланган ҳолда ҳисоб стандартларини аниқлашда маҳаллийлаштиришни (децентрализацияни) кучайтириш ва куч сарфларни қисқартириш;

(iv) солиқ ҳисоботини ДМСҚда баён қилган услубиётга мос келтириш.

Аммо бунга бир неча йил вақт кетади, чунки ДМСҚ тўла ҳисоблаш усулида асосланган тизим.

Шунингдек, давлат бюджетининг ғазна ижроси асослари ва принциплари ҳақида беҳабарлик охирида маълум сарфларга олиб келиши мумкин.

Шу муносабати билан Давлат бюджетининг ғазна ижросини жорий этиш бўйича Чоралар комплексини, айниқса, бюджет ҳисобини ислоҳ қилиш қисмини, амалга оширишнинг энг афзал йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ҳисобчилар, бош ҳисобчиларни ўқитиш, тайёрлаш ва малакасини қайта тайёрлаш;

ғазначилик ва молия органлари ходимларнинг касбий маҳорати ва чуқур билимларга эгаллигини ошириш;

ҳисоб жараёнини техникавий томондан таъминлаш, чунки ишлаб чиқилган ҳужжатлардан автоматлаштирилган жараёнларга боғланмаган ҳолда фойдаланиш мумкин эмас;

фойдаланилаётган дастурий маҳсулотларнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқувчи ва етказувчи мутахассислар билан ишлаш.

Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ва юритишда натижавий ҳисоботларни тайёрлаш жараёни ҳам муҳим амалий аҳамиятга эга. Шу туфайли бюджет ташкилотларида, шу жумладан молия бўлимларида “УзАСБО” дастурий таъминотини корпоратив тармоқ орқали меҳнат ва вақтни тежаш шаклида самара келтиради. Чунки, дастурнинг ҳисоботлар менюси активлаштирилганда қуйидагилар намоён бўлади:

1. Барча мемориал ордерлар;
2. Бош журнал китоби;
3. Асосий воситалар ҳисоби бўйича инвентар карточкалар ва айланма қайднома;
4. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш ва қайта баҳолаш;
5. Материал захиралар бўйича айланма қайднома ва миқдор қиймат ҳисоб дафтари;
6. Жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (292 форма);
7. Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари (294 форма);

8. Баланс ва балансга иловалар;
9. Шакл-2;
- 10.Ойлик ҳисоботи 1-ОХ;
- 11.Дебитор ва кредиторлар қайдномаси;
- 12.Ҳамда бошқа ҳисоботларни ўзида қамраб олган;

Дастурнинг Ҳисоботлар режимида Дебиторлик ва Кредиторлик қарздорликлари автоматик тарзда ҳосил қилинади.

УзАСБО дастурига ҳар куни иш вақти тугалланишидан олдин "Ғазна" дастурий мажмуасидан бюджет ташкилотлари фаолиятига оид ҳамма маълумотлар автоматик равишда баъзага киритиб борилади.

УзАСБО дастурида Бош менюдаги «Ғазна-мижоз» режимини активлаштириш ва ундаги «Информация» режимини танлаш орқали керакли маълумотларни олиш мумкин. Ҳозирги кунда УзАСБО дастурининг биринчи босқичида шахсий ҳисоб варақлар ва харажатлар таснифи бўйича қолдиқларни кўриш, электрон кўчирмалар олиш ҳамда ғазначилик бўлимлари томонидан рўйхатга олинган шартномалар рўйхати китобини кўриш мумкин.

Дастурнинг иккинчи босқичи ишга тушгач эса, тўлов топшириқномаларини электрон имзо орқали ғазначилик бўлимларига юбориш, шартномаларни киритиш ва бошқаларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Ҳар бир давлатнинг иқтисодийтини муваффақиятли ривожланиши сезиларли даражада давлат молиялари ва моддий ресурслари ҳолати ҳақида аниқ ва тезкор ахборот олиш, ҳамда уларни самарали бошқаришга боғлиқ. Ҳукумат учун бу ахборотни етказувчи асосий тузилма - Давлат Ғазначилиги.

Ўзбекистонда Давлат бюджетининг ижросини ғазначилик тизимига босқичма-босқич ва тўла ўтиш бўйича етарли даражада функционал, ташкилий, техник-технологик шарт-шароитлар мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, бюджетнинг ижросини амалдаги тизими иқтисодият ишлаб туриш мутлақо бошқа шароитлар учун ишлаб чиқилган ва етарли даражада чекланган функцияларни бажаришга мўлжалланган эди. Ҳозирги вақтда мазкур тизим унга ўрнатилган ўсган талабларни уддалашга имкон бермайдиган яққол кўринишдаги камчиликларга дуч келди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тарафидан давлат молиялари устидан назоратнинг ўрнатиш бўйича биринчи босқич сифатида Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимига ўтишда Ҳукумат унда қанча пул маблағлари борлиги, шулардан қанчасини бериш кераклиги, ҳамда қайси вақтда ва қанча даромадлар олишини тахминлаш керак.

Ғазначилик томонидан йиғилган маълумотлар ҳукуматга давлат бошқарув органларининг ишлашини баҳолашга ва ўзи томонидан олиб борилаётган бюджет сиёсатнинг иқтисодий асоратлари ҳақида тасаввур олишга имкон беради. Ҳукуматнинг барча тушумлар ва тўловлари устидан назоратни олиб бориб Ғазначилик давлат ижроия ҳокимияти тузилмасида “кассир” ва “бош ҳисобчи” вазифаларини бажаради. Шу билан бирга бу вазифа фақат бюджет пуллар билан ишлаш доираси билан чекланмайди. Гап давлатнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳақида кетади, охирида – барча давлат молиявий ресурслари ҳақида.

Бюджет муассасалари томонидан қайси вақтда ва қандай харажатлар қилиниши ҳақида хабардор бўлиб, Ғазначилик, маблағларнинг айланмага жалб қилинмаган қолдиқларини тезкорлик билан бошқариб, касса ичидаги узилишларни қоплашнинг қисқа муддатли манбаларини жалб қилишнинг қисқартириш бўйича таклифлар киритиши мумкин. Натижада, охириги нуктада давлат қарзини қоплашга йўналтириладиган бюджет маблағлари тежалади.

Давлат молияларини бошқариш функциясини самарали амалга ошириш учун Ғазначиликда ягона ғазначилик ҳисобварағи бўлиши керак. Бу ҳисобварағи орқали давлат бошқарув органларининг ҳамма операциялари амалга оширилади ва барча давлат ресурслари жамланади. Молия бошқаруви фаолиятдан ташқари Ғазначилик маблағлар сарфланиши жараёнининг ҳамма босқичларида барча даражадаги бюджетларнинг ижросини назорат қилиши мумкин ва керак. Фақат шу йўл билан давлат молияларнинг бирлигини ва уларнинг самарали фойдаланишини таъминлаш мумкин.

Давлат маблағларини касса орқали харажат қилишдан илгари босқичда Ғазначилик томонидан амалга оширилаётган назорат шу маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлашнинг самарали воситасидир, чунки бундай назорат

фақатгина молиявий интизомни бузувчиларни аниқлашга эмас, балки энг муҳими шундай бузилишларни олдини олишга имкон беради.

Республика даражасидаги Ғазначиликка юклатилган яна бир ниҳоятда муҳим функция – бу давлат бошқарув органларнинг операцияларини бухгалтерия ҳисобини олиб бориш. Бухгалтерия ҳисоби ҳамма операцияларнинг ишончли автоматлаштирилган механизмини таъминлайди. Айнан шу механизм давлатнинг молиявий ресурслари ҳаракатининг актуал, яъни, ҳозирги вақтни акс эттирувчи, ҳолати ҳақида ахборотни узлуксиз таъминлайди.

Ғазначиликнинг роли фақат бошқарув ва назоратнинг расмий процедуралари ижро этиш билан чекланмайди. Ғазначилик ижроия ҳокимият органларнинг таркибида жойлашган аудитор сифатида чиқиши мумкин. Ғазначилик бюджет ҳақидаги қонун талаблари доирасида маблағларнинг харажат қилиниши самарасини назорат қилишга қодир.

Ҳозирги пайтга Давлат бюджетининг ғазна ижроси механизмларини бутун республика бўйича амалга оширилиши қуйидагиларга эришишга имкон берди:

бюджетдан қуйи маблағ олувчиларнинг кўп бўғинли молиялаштиришни тўхтатилиши;

бюджет маблағларни бюджетдан маблағ олувчиларнинг кўпгина бюджет ҳисобварақларига сочилишини олдини олиш;

бюджет маблағларини Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари ҳисобварақларида жамлаш ва тўловларни ўтказиш ҳамда иш ҳақини тўлаш муддатларини қисқартириш; бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини ғазначилик ҳисобварақларидан харажатлар сметасида кўзда тутилган миқдорида тўлаш;

бюджет ташкилотлари томонидан бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш.

Ғазначилик тизимини шакллантиришнинг асосий босқичлари биринчи навбатда қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

тизимнинг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш;

Ғазначиликнинг ташкилий-функционал тузилмасини ишлаб чиқиш;

мазкур тизимнинг ахборот базаси ва уни ҳимоялаш тизимини ташкил этиш;

Ғазначиликнинг дастурий ва технологик томондан таъминлашни ишлаб чиқиш.

Халқаро тажрибаси ва республикамиздаги молия тизимини ишлаб туришининг амалиёти юзага келган вазиятда деярли ягона йўлни танлашни тақозо этади - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида давлат ғазначилик тизимини ташкил этиш.

Амалга оширилган тадқиқотлар қуйидаги асосий хулоса ва таклифларга олиб келди:

- Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимининг янада кенгайтиришга ва шу тизимга тўла ўтишга маълум даражада негиз мавжуд;
- Давлат бюджетининг ғазна ижроси услубиёти ҳамда функционал модулларини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш керак;

- ғазначилик тизимининг асосий элементи, яъни, ягона ғазначилик ҳисобварағини, босқичма-босқич (“пилот” варианты ва барча ҳудудларга тарқатилиш) жорий этилиши лозим;
- бюджетга ғазначилик хизматини кўрсатишнинг самарадорлигини интеграциялашган Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими (ДМБАТ)ни яратиш йўли билан ошириш зарур;
- тўловлар тизими ислоҳоти ва мажбуриятлар ҳисобини олиб боришни амалга ошириш билан боғлиқ ягона ғазначилик ҳисобварақни ташкил этилиши ДМБАТнинг таркибий қисми сифатида яқунланиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги 144 сонли қарори чиқиши ва уни амалга оширилиши доирасида республикамизда давлат молиялари бошқаруви тизимини комплекс равишда ислоҳ қилиш ишларни амалга ошириш бошланди. Кўпгина мураккаб ва сермашаққат ишлар бажарилди. Олдинда амалга ошириладиган янада кўпроқ ва қийинроқ ишлар турибди.

Аммо шубҳасиз, белгиланган устувор йўналишлар ва вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши республика давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар бошқарувини сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилишини таъминлайди. Давлат молиялари бошқарувининг прогноз тузиш ва режалаштиришдан бошлаб то давлат харажатлари самарадорлигини назорат қилишгача деярли ҳамма процедуралари янада мукаммаллашган ва самаралироқ, Давлат сектордаги халқаро нормалар ва стандартларга жавоб берадиган даражагача кўтарилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Адолат, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни». 30 август 1996 й.
4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЮДЖЕТ КОДЕКСИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА ҚОНУНИ .2013 й. 26 ДЕКАБР

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ 3618-сонли «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва информацион-коммуникацион технологияларни татбиқ этиш” тўғрисидаги Фармони. 2002 йил 30 май.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 26 июндаги 129-сонли қарори билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2014 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2014 йил 18 январ.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ва унга илова қилинган.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли, «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартиби» тўғрисида»ги Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли «Тендер савдоларини ташкил қилишни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сонли Қарори (Бу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилиги тўғрисидаги низом тасдиқланган).
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида Вақтинчалик низоми”. 21.05.2005 й. № 1475 сонли.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

13. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т., «Ўзбекистон», 1995 . 204 б.
15. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 179- б.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 101-б.
17. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005
18. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

V. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатлари

19. Давлат бюджетига турувчи муассасалар ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби бўйича 1987 йил 10 мартдаги 61-сонли Йўриқнома.
20. Молия вазирлигида ва молия органларида бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасини ва штатлар жадвалини рўйхатга олиш тартиби (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 13 декабрда 849-сон билан рўйхатга олинган).
21. Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республика бюджетларида, шуниндек, вилоят, шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаларини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 3 февралда 888-сон билан рўйхатга олинган).
22. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира фонди ҳақида низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 22 январда 877-сон билан рўйхатга олинган).
23. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 19 февралда 1009-сон билан рўйхатга олинган).
24. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети қарамоғида бўлган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 13 февралда 1005-сон билан рўйхатга олинган).
25. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 19 июлда 1052-сон билан рўйхатга олинган).
26. Ўзбекистон Республикасида пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатга олинган).
27. Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг айланиши тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган).
28. Бюджет ташкилотлари томонидан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш, ўтказиб бериш ва тўлашни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида қайд этишнинг вақтинча тартиби (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 22 апрелдаги дк/03-04-04/181-сонли хати).
29. Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинча Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 5 майдаги 63-сонли буйруғи билан тасдиқланган).

30. Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 21 майда 1475-сон билан рўйхатга олинган).
31. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона счётлар режаси (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 майда 1570-сон билан рўйхатга олинган).
32. Молия органларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 10 апрелда 1560-1-сон билан рўйхатга олинган).
33. Бюджет маблағларини тасарруф қилувчиларнинг (олувчиларнинг) шахсий ҳисобварақларини юритиш бўйича қоидалар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 5 декабрда 1746-сон билан рўйхатга олинган).
34. Давлат бюджети ғазна ижроси бўйича функцияларнинг чегараланиши тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 30 августдаги 119-сонли буйруғи билан тасдиқланган).
35. Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низом. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 18 июнда 1828-сон билан рўйхатга олинган).
36. Давлат бюджетининг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисоби бўйича қоидалар (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 23 июлдаги 80-сонли буйруғи билан тасдиқланган).
37. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таснифи, харажатларини функционал ва иқтисодий таснифлари ҳамда бюджетлар маблағлари манбалари ва бўғинлари таснифи. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 15 майдаги 80-сонли буйруғи билан тасдиқланган).
38. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА (Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон буйруғи билан тасдиқланган).
39. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича ҚОИДАЛАР (Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 27 августдаги 57-сон буйруғи билан тасдиқланган).

VI. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

40. Остонақулов М. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисоби. –Т.: Здравплус/ЮСАИД, 2004.
41. Остонақулов М. Бюджет ҳисоби. (дарслик) –Т.: «Iqtisod-moliya», 2007.
42. Остонақулов М. Ғазначилик органларида маҳаллий бюджетлар ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби. –Т.: «Iqtisod-moliya», 2007.
43. Эшназаров Т. Ғазначилик тизими муносабатлари. Т.: ”Фан”, 2008.
44. Остонақулов М. ҒАЗНАЧИЛИК ОРГАНЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ. –Т.: Молия, 2009.
45. Остонақулов М. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2009.
46. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
47. Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия. 2005.
48. Ҳайдаров М, Сувонкулов А, Сугирбаев Б, Нурматов Б Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: 2009.

- 49.Қосимова Г. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма.
- Т.: Иқтисод-молия. 2008.
- 50.Ваҳабов А. Сирожиддинова З. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети.
Ўқув қўлланма.Т-.:2002.
- 51.Маликов Т, Н.Хайдаров.Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма.
- Т.: Иқтисод-молия. 2007.

Internet тармоғи бўйича тавсия этиладиган веб-сайтлар

<http://www.gasu.ru/univer/>
<http://www.businesspravo.ru/>
<http://www.nalog.ru>
<http://www.finansy.ru>
<http://www.finance.rambler.ru>
<http://www.mos.ru>.